

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳукукида

**МАТМУРАТОВ АНВАР БЕКТУРДИЕВИЧ**

**“СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ”**

Мутахассислик: **5А 230901 «Бухгалтерия ҳисоби»**

Иқтисод магистри даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий иш кўриб чиқилди ва ҳимояга  
қўйилди.

“Бухгалтерия ҳисоби ҳисоби”  
кафедраси мудири и.ф.н. доц.  
Б.О.Болибеков \_\_\_\_\_

Илмий рахбар:  
доц. Н.К.Ризаев \_\_\_\_\_

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2013 й

**ТОШКЕНТ – 2013**

# М У Н Д А Р И Ж А

**Кириш .....3**

## **1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

1.1 Суғуртада бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тартиби.....15  
1.2 Суғуртада бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари.....20

## **2-БОБ. СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЮРИТИШ**

2.1 Суғурта мукофотлари ва тўловларининг бухгалтерия ҳисоби .....35  
2.2 Суғурталовчининг иш юритиш харажатларининг бухгалтерия ҳисоби..  
2.3 Касса, моддий бойликлар, суғурта заҳиралари ва молиявий натижаларнинг ҳисоби .....63

## **3-БОБ. СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБЫНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.**

3.1 Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботлар таркиби ва унинг тузилиши.....  
3.2 Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби.....

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР .....**

**Фойдаланилган адабиётлар.....**

**Иловадар.....**

## КИРИШ

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида суғурта бозор иқтисодиётининг молиявий инфратузилмасини ташкил қилувчи, мамлакат иқтисодиёти ўсишининг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминловчи муҳим тармоқлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «...мамлакатимизни ривожлантириш, ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича эришган суръатларни бой бермаслик учун мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этишни талаб қилмоқда»<sup>1</sup>

Суғурта фаолиятининг ривожланиши ҳисоб ва аудитнинг тўғри ташкил этилишига бевосита боғлиқдир. Суғуртачининг молиявий таназзули кўплаб Суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам суғурта фаолияти ҳисоби ва аудитининг асосий эътибори суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, молия-хўжалик фаолиятининг амалдаги қонунчиликка мос келиши, шунингдек, фаолиятнинг молиявий ҳисоб-китобларини тўғри олиб боришга қаратилган. Бозор иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бухгалтерия ҳисоби тизимида олиб борилаётган ислохотлар замирида ҳисобнинг янги объектлари вужудга келди, жумладан суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудити сифатида кириб келди. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кўпроқ мижозларни жалб қилиш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш асосий омил бўлиб қолади. Бунга эришиш учун ҳисоб сиёсатини тўғри юритиш, аудиторлик текширувининг илғор усулларида кенг фойдаланиш, жакхон микёсида тўпланган назарий ва амалий тажрибаларни жорий қилиш, шунингдек, Ўзбекистондаги миллий ҳисоб стандартларини халқаро стандартларига мувофиқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш шароитида республикаимизда амалга оширилаётган устивор вазифалардан бири хўжалик субъектларининг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишда суғурта

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан длавои эттириш. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2013 - 64 б.

фаолияти сифатини ошириб бориш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар қўрилди.

Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини хўжалик субъектларда қўлланилиши улар фаолиятини тезкор ва истикболли бошқаришда асосий ўринлардан бирини эгаллаши, халқаро стандартлар талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш имкониятларини беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва унинг концепциясини шакллантириш масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар Х.Андерсон, К.Друри, М.Корренбауэр, Д.Колдуэлл, Б.Нидлз, Дж.Рис, Дж.Фостер, П.Фридман, Ч.Хорнгрен, Р.Энтониларнинг илмий ишларида кенг ёритилган. Бошқарув ҳисоби ва таҳлили масалаларини тадқиқ этишга МДХ мамлакатларининг иқтисодчи олимлари: Т.П.Карпова, В.И.Палий, М.С.Пушкарёв, А.Д.Шеремет, А.А.Шпиглар муносиб ҳисса қўшганлар. Республикамиз олимларидан А.А.Абдуганиев, А.Абдуллаев, Н.Ю.Жўраев, А.А.Каримов, А.К.Ибрагимов, А.Х.Пардаев, М.К.Пардаев, А.С.Сотиволдиев, Б.А.Хасанов, К.Б.Ўразов, Очилов И.К ва бошқаларнинг бир катор илмий ишлари мазкур муаммоларнинг ҳал қилинишига қаратилган.

Ҳозирги шароитда олинган ахборот олий сифатли ва самарадор ахборотдан ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчилар талабини қондирадиган бўлиши лозим. Бу шуни англатадики, бухгалтерия ахбороти кўрсаткичларнинг энг кам миқдоридан иборат бўлиши, аммо бошқарув иерархиясининг турли даражаларидаги унинг фойдаланувчиларидан энг кўп миқдорини қондириши лозим. Тақдим этиладиган ахборот зарур, муҳим ва мақсадга мувофиқ бўлиши, ортиқча кўрсаткичларни истисно этиши лозим. Бундан ташқари, бухгалтерия ахбороти энг кам миқдорда меҳнат ва кам сарф қилган ҳолда шакллантириши зарур.

Бугунги кунда суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, менежерларни компания ва фирмалар бошқаруви учун тегишли тезкор ахборотлар билан таъминлаш борасида иқтисодчи олимлар ўртасида турли хил қарашларнинг мавжудлиги ва бу соҳада назарий, ташкилий ва ҳуқуқий масалаларнинг ечимини топишга бўлган эҳтиёж, мазкур муаммони тўлиқ ҳал

этилмаганлигидан далолат беради ҳамда бу соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Иқтисодийни модернизациялаш шароитида суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тузишнинг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Ушбу қўйилган мақсадга мувофиқ тадқиқотнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш мақсади ва вазифаларини тадқиқ этиш;
- суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларини ўрганиш ва назарий хулосаларни шакллантириш;
- суғурта ташкилотларда узоқ муддатли активлар ва жорий активлар ҳисобини ташкил этишга оид амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;
- суғурта ташкилотларида устав капиталини шаклланиши ҳисоби ва унинг заруриятини тадқиқ этиш;
- суғурта ташкилотларидла мажбуриятлар ҳисобини тадқиқ этиш;
- суғурта ташкилотларида молиявий натижаларни шаклланиши ва соф фойдани аниқлаш ҳисобини такомиллаштириш;
- суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботларни шакллантиришда хориж тажрибаси асосида назарий ва илмий асосланган хулосаларни бериш.

**Тадқиқот объекти.** “КАФОЛАТ” ОАЖ акциядорлик суғурта компаниясининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлари олинган.

**Тадқиқот предмети.** Ўзбекистонда суғуртада бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва унинг концепциясини ривожлантиришдаги иқтисодий муносабатлари ҳисобланади.

**Ишлаб чиқилганан илмий таклиф ва амалий тавсиялар:**

- суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш мақсади ва вазифаларини тадқиқ этилди;
- суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларини ўрганиш ва назарий хулосаларни шакллантирилди;
- суғурта ташкилотларда узоқ муддатли активлар ва жорий активлар

ҳисобини ташкил этишга оид амалий тавсияларни ишлаб чиқилди;

- суғурта ташкилотларида устав капиталини шаклланиши ҳисоби ва унинг заруриятини тадқиқ этилди;

- суғурта ташкилотларидла мажбуриятлар ҳисобини тадқиқ этилди;

- суғурта ташкилотларида молиявий натижаларни шаклланиши ва соф фойдани аниқлаш ҳисобини такомиллаштирилди;

- суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботларни шакллантиришда хориж тажрибаси асосида назарий ва илмий асосланган хулосалар берилди.

**Тадқиқот ишининг усуллари.** Диссертацияда илмий абстракциялаш, индукция, дедукция, қиёсий таҳлил, таркибий таҳлил, операцион қиймат усули ва бошқа усуллардан фойдаланилади.

**Ишнинг таркиби.** Кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

# **1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Суғуртада бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тартиби**


Республикамизда кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттиришда жаҳон амалиётига мос келадиган замонавий бухгалтерия ҳисоби тизимини шакллантиришга эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Шу боисдан иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида, жумладан суғурта соҳасида ҳам бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартларга мувофиқ тарзида ташкил этиш ва юритиш кераклигини англатади.

Бухгалтерия ҳисоби суғурта фаолиятини бошқариш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, бухгалтерия ҳисоби биринчи ўринда суғурта раҳбарияти учун хизмат қилиши табиийдир, шунингдек суғурта ташкилотлари ходимлари ҳам бошқарув жараёнига бефарқ қараб туролмайди. Бундан ташқари, компанияга сармоя киритувчи мавжуд ва бўлғуси инвесторлар, қарз берувчи кредиторлар ҳамда компанияга мол етказиб берувчилар ҳам корхона фаолиятига оид молиявий маълумотлардан манфаатдор шахслардир. Шунингдек, ҳукумат ва унинг ташкилотлари ва кенг жамоатчилик ташкилотлари ҳам бундан четда қолмайди.

Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланувчилар ички ва ташқи фойдаланувчиларга бўлиш мумкин:

Биз қуйида бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланувчиларнинг чизмадаги тасвирини келтирамиз.

## Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар



23

### *1-Чизма. Сугурта ташилотларининг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар.*


**ички фойдаланувчилар** - корхона раҳбарияти ва ходимлари

**ташқи фойдаланувчилар** - мавжуд ва бўлғуси инвесторлар ва кредиторлар, харидор ва мол етказиб берувчилар, ҳукумат ва унинг органилари ҳамда жамоатчилик.

Қуйидаги жадвалда бухгалтерия ҳисоботининг фойдаланувчилар ва уларнинг манфаати учун зарур бўлган маълумотлар келтирилган.

| № | Фойдаланувчилар             | Фойдаланувчиларнинг манфаати учун зарур бўлган маълумотлар.                                                                   |
|---|-----------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Акционерлар                 | Банкнинг молиявий ҳолати ва дивидентлар фоизи бўйича келгусидаги дивиденд сиёсати                                             |
| 2 | Инвесторлар                 | Маблағларни сарфлашдан кўриладиган иқтисодий самарадорлик ва таваккалчилик даражаси                                           |
| 3 | Кредиторлар ва депозиторлар | Банкнинг молиявий барқарорлиги, яъни кредиторлар ва депозиторларни ва уларга ҳисобланган фоизларни тўлаш имконияти ва ҳаказо. |
| 4 | Хориж банклари              | Банк корреспондентнинг ишончилиги                                                                                             |
| 5 | Марказий банк               | Банкнинг самарали бошқарилаётганлиги тугрисидаги маълумотлар                                                                  |
| 6 | Давлат солиқ қўмитаси       | Активлар, даромад, харажатлар ва солиқ тўланиши бўйича маълумотлар                                                            |
| 7 | Бошқа давлат органлари      | Миллий даромадлар тўғрисидаги маълумотлар, харажатлар ва бошқа статистик маълумотлар                                          |
| 8 | Ишчи ва хизматчилар         | Меҳнат ҳақини тўлаш қобилияти.                                                                                                |

Ёки уни қуйидаги чизмада тасвирлаш мумкин.



Ташқи фойдаланувчилар бевосита ва билвосита манфаатдор бўлган фойдаланувчиларга бўлинади.

**Бевосита манфаатдор фойдаланувчиларга** мавжуд ва бўлғуси инвесторлар ҳамда кредиторлар, харидор ва мол етказиб берувчилар киради.

**Билвосита манфаатдор фойдаланувчиларга** ҳукумат ва унинг органлари ҳамда жамоатчилик киради.

Шундай қилиб, биз бухгалтерия ҳисобининг моҳиятини белгиловчи иккинчи мезонни аниқладик. Бу юқорида таъкидлаганимиздек қарор қабул қилувчи фойдаланувчиладир. Бухгалтерия ҳисоби хўжалик фаолияти бўйича

қарорларни қабул қилувчи шахслар билан хўжалик субъекти орасида боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади. Хўжалик фаолияти ҳақида маълумотлар бухгалтерия ҳисоби учун дастлабки кирувчи маълумот бўлиб ҳисобланади, қарорларни қабул қилувчи шахслар учун фойдали маълумот (молиявий ҳисоботлар) эса унинг чиқувчи - якуний маълумоти бўлиб ҳисобланади.

Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби шундай ташкил этилиши керакки, у тежамли бўлиб, кам маблағ сарфланган ҳолда ички ва ташқи фойдаланувчиларни кўпроқ молиявий фаолиятга доир ахборотлар билан таъминлаши лозим деб ҳисоблаймиз.

Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби бошланғич ҳужжатлардаги маълумотларни турлари ва йўналишлари бўйича жамлаш, пул маблағлари ва бошқа хўжалик муомалаларини синтетик ва аналитик ҳисобларда юритилишини бухгалтерия ҳисобини барча бўлимларда акс эттиришга асосланган журнал-ордер шаклида олиб борилади.

Бошланғич ҳужжатларни жамлаш ва бир системага келтириш ҳисоб регистрларида олиб борилади, бу эса ҳисобот давридаги пул маблағларини ва хўжалик муомилаларининг барчасини ҳисобга олиб боришга имконият яратади.

Бухгалтерия ҳисоби юритишнинг журнал-ордер формасида қуйидаги бухгалтерия регистрлари қўлланилади: журнал-ордерлар, бош китоб, счётлар бўйича айланма муомилалар қайдномаси.

Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий регистрлари бўлиб бош-китоб ва қуйидаги журнал-ордерлар ҳисобланади:

№1 - « Касса муомолалари »

№2 - «Банк муомолалари»

№3 – «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб китоблар»

№4 – «Хизматчилар билан ҳисоб китоблар»

№5 - «Бошқа муомолалар»

Бухгалтерияда бош китоб ҳар бир йил учун янги очилади ва йил бошига қолдиқ ёзилиб ойма ой жорий айланмалар (оборотлар) қайд қилиб борилади. Ҳисобот даври охирида якунловчи айланмалар (оборотлар ) ҳисобланади. Бош китобдаги ёзувларнинг тўғрилиги барча ҳисоблар бўйича қолдиқ (сальдо) ва айланмалар (оборотлар) ҳисоблангач аниқланади бунда дебет оборотларининг

йиғиндиси кредит оборотлари йиғиндисига тенг бўлиши ва дебет қолдиқлари йиғиндиси кредит қолдиқлари йиғиндисига тенг бўлиши керак.

Бош китоб суғурта ташкилотининг барча ҳудудий бўлинмаларида юритилиб, журнал ордерлар ёзувларини жамлаш, счётлар бўйича ёзувларнинг ўзаро солиштирилиши ва ҳисобот даври учун моливий-хўжалик фаолияти бўйича баланс тузиш учун қўлланилади.

Бухгалтерия ҳисобиининг хусусиятларидан бири хўжалик муомолаларини ёппасинга ва узлқсиз акс эттириш ҳисобланади. Бу ҳужжатлаштириш орқали амалга оширилади. Барча хўжалик муомолаларига тузиладиган ҳужжатлар мажмуаси ҳужжатлаштириш деб аталади ва кейинчалик бухгалтерия ҳисобларида акс эттириш учун асос бўўлиб ҳисобланади. Ҳужжатлар ёзиб берилиши дақиқасидан тортиб то архивга топширилгунга қадар ўтган йўл ҳужжатлар айланиши деб аталади.

Ҳужжатларни қабул қилиш реестр нусхасига топширилаётган ҳужжатлар рўйхатига имзо қўйиш билан расмийлаштирилади.

Текширилган ва бухгалтериялан қабул қилинган ҳужжатлар ҳисоб ишловидан ўтказилади: бу ишлов уч босқичдан:нароҳлаш, гуруҳлаш ва контировка (белгилаш) дан иборат.

Ҳисоб юритишнинг мемориал ордер шакли бир турдаги ҳужжатлар маълумотларини бирлаштирувчи йиғма ҳужжатлар асосида ёки шу маълумотлар боғланувчи счётлар бўйича гуруҳланадиган жамғарувчи ведомостларнинг якуний маълумотлари асосида тузилади. Ёзув учун асос ҳисобланадиган ҳужжатлар ордерга бириктириб қўйилади. Ҳар бир мемориал ордер учун доимий рақам белгиланиб, бир турдаги муомолаларнинг ҳар бир тури учун бир ойда битта ордер тузиш имконини беради.

Мемориал ордерлар рўйхатга олиш журналида-синтетик ҳисобнинг хронологик регистрида рўйхатга олинади

Мемориал - ордерлар рўйхатга олингандан кейин муомолаларни Бош дафтарга ёзиш учун ишлатилади. Бош дафтар ёки назорат ведомости ҳар бир ҳисобни ҳар бир боғланувчи ҳисоб бўйича айланма суммаларни ёзиш учун ажратиладиган устунларга бўлинган ҳолда, яъни шахмат тамойили бўйича тузилади.

Унда фақат жорий айланмалар рўйхатга олинади ва счетлар бўйича сальдо чиқарилмайди. Бош дафтар асосида синтетик ҳисоблар бўйича айланма ведемости тузиладди.

Ҳисобнинг журнал ордер шаклида бажариладиган иш амаллари сонининг қисқартирилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бунда мемориал-ордер шаклида ишлатиладиган мемориал-ордер ва рўйхатга олиш журнали йўқ, кўпчилик счетлар бўйича синтетик ҳисоб таҳлилий ҳисоб билан бирлаштирилган, ҳисобот кўрсаткичлари автоматик тарзда қўшимча ҳисоб китобларсиз бевосита ҳисоб регистрларида олинади.

Журнал ордер шаклидаги қайта кўчиришлар сони мемориал ордер шаклига нисбатан икки мартадан ортиқроққа камаяди, натижада ҳисоб юритишга кетадиган вақт тежалади, хатоларнинг юзага келиш эҳтимоллиги камаяди.

Бухгалтерияда ҳўжалик маблағлари ва ҳўжалик муомолаларини жорий акс эттириш, иқтисодий гуруҳлаш ва тезкор назорат қилиш мақсадида счетлардан фойдаланилади.

Ҳисобнинг ҳар бир объекти, маблағлар ва манбаларнинг ҳар бир тури учун алоҳида счет очилади. Счеи икки қисмга бўлинади. Унинг чап томони дебет, ўнг томони кредит деб номланади. Дебет ва кредит бўйича ёзилган муомолалар суммаларининг жами айланма (оборот) деб номланади. Счетнинг бир томонида қайд этилган суммалар билан унинг бошқа томонида кўрсатилган суммалар ўртаисдаги фарқ қолдир ёки сальдо деб номланади. Қолдиқлар дебетли ёки кредитли бўлиши мумкин. Янги қолдиқни аниқлаш учун аввал маблағларни кўпайганлигини кўрсатувчи айланма суммаси бошланғич қолдиққа қўшилади, сўнгра унинг камайишини акс эттирувчи айланма суммаси айириб ташланади. Агар қолдиқ бўмаса, счет ёпилган ҳисобланади.

Корхона маблағларини ҳисобга олувчи счетлар актив счетлар, корхона маблағлари манбаларини акс эттирувчи счетлар пассив счетлар деб аталади.

Актив счетларда қолдиқ дебет томонида бўлиб, кўпайиш дебет томонида камайиш эса кредит томонида акс эттирилади.

Пассив счетларда қолдиқ кредит томонида бўлиб, кўпайиш кредит томонида камайиш эса дебет томонида акс эттирилади.

Бухгалтерия хисобида Актив-пассив счетлар ҳам мавжуд бўлиб, қолдиқ ҳам дебет томонида ҳам кредит томонида бўлиши мумкин.

### **1.2. Суғуртада бухгалтерия хисобининг асосий тамойиллари**

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Бухгалтерия хисоби тўғрисида” ги қонунинг 6 моддасида Бухгалтерия хисобини юритишнинг асосий тамойилларидан бири икки ёқлама ёзув усули эканлиги кўрсатиб ўтилган. Икки ёқлама ёзув ҳар бир хўжалик муомоласини ўзаро боғлиқ бўлган счетларда қайд этиш йўли билан амалга оширилади.

Бир хўжалик муомоласини бир вақтнинг ўзида бир хил суммада бир счетнинг дебети ва иккинчи счетнинг кредитида акс эттирилиши икки ёқлама ёзув деб аталади.

Масалан: Корхонанинг хисоб китоб сметида кассага 100 000 сўм маблағ олинди. Бу ҳолатда корхонанинг хисоб китоб сметидаги маблағлари 100 000 сўмга камаёди ва ўз навбатида кассадаги пул маблағлари 1000 000 сўмга кўпаяди.


Бу муомола бухгалтерия хисобида икки ёқлама ёзув усулида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет:      Касса смети      100 000 сўм

Кредит: Хисоб китоб смети      100 000 сўм.

Хўжалик муомолаларининг икки ёқлама усулда ёзиш уларни ўзаро боғланишини юзага келтиради. Счетларнинг ўзаро боғланиши счетлар корреспонденцияси деб аталади.

Оддий бухгалтерия ёзувида бир хил суммага бир счет дебетланади ва иккинчи счет кредитланади. Мураккаб ёзувда эса бир счет дебетланиб, бир неча счетлар кредитланиши ёки аксинча бир счет кредити бир неча счетлар дебети билан боғланиши мумкин. Бу ҳолатда бир счет билан боғланаётган бир неча счетларнинг умумий суммаси тенг бўлиши керак.



**4-Чизма. Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби маълумотларига ишлов бериш тартиби.**

Бухгалтерия ҳисобида маблағлар ва уларнинг манбалари тўғрисида умумлаштирилган ёки батафсил маълумот олиш мақсадида синтетик ва аналитик счётлардан фойдаланилади.

Синтетик счётлар хўжалик маблағлари ва муомолалари тўғрисида умумлаштирилган маълумотларни кўрсатади ва қиймат кўринишида акс эттиради.

Аналитик счётлар эса маблағларни ва жараёнлар тўғрисида батафсил кўрсаткичларда акс эттиради.

Моддий қийматликлар ва ходимлар бўйича аналитик ҳисоблар натура кўринишида ҳам акс эттирилиши мумкин.

Синтетик счетлардаги бошланғич ва охири қолдиқ суммалари ҳамда айланма суммалари аналитик счетлар бўйича қолдиқ ва айланма суммалари йиғиндисига тенг бўлиши керак.

Синтетик ва аналитик ҳисоблар маълумотларини текширишда маълумотлар ҳар ойнинг охирида счетлардан олинади. Барча маблағларни умумлаштирилган маълумотлар ёки айрим гуруҳлар бўйича бир ойга қолдиқ ва айланмалари якунини кўрсатувчи айланма (оборот) қайдномаларида мужассамлаштирилади. Айланма қайдномалари жорий ҳисоб маълумотларини умумлаштириш учун хизмат қилади. Улар синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотлари бўйича тузилган жадваллардан иборат.

Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишда Ўзбекистон Республикаси Аудит вазирлигида 2008 йил 22 майда 1813-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирининг 2008 йил 5 майдаги 47-сон буйруғи билан тасдиқланган Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби СЧЁТЛАР РЕЖАСИ қўлланилади. Бу счетлар режаси бошқа халқ хўжалиги тармоқларида қўлланиладиган счетлар режасидан фарқ қилиб, алоҳида фақат суғурта ташкилотлари учун мўлжалланган счетлар ҳам киритилган. Счетлар режаси 6 та бўлимдан иборат бўлиб қуйидагилардан ташкил топган:

I бўлим. Узоқ муддатли активлар

II бўлим. Жорий активлар

III бўлим. Мажбуриятлар

IV бўлим. Хусусий капитал

V бўлим. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиши

VI бўлим. Балансдан ташқари счётлар

Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишда фойдаланиладиган ҳисоблар режаси (1-илова)

Хўжалик субъектлари маблағлари ва уларнинг манбалари тўғрисида умумлаштирилган маълумотларни олиш учун бухгалтерия балансидан фойдаланилади.

Бухгалтерия баланси хўжалик маблағлари ва уларнинг манбааларини маълум бир санага пул кўринишида ифодалаб, иқтисодий гуруҳлаш усулидир.

Суғурта ташкилотлари фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 20 апрелда 1945-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги 37-сонли буйруғи билан тасдиқланган бухгалтерия баланси шаклидан фойдаланилади.

Баланс икки қисмга актив ва пасив қисмларга бўлинади.

Баланснинг актив қисми қуйидаги қисмлардан иборат:

-Узов муддатли активлар

-Жорий активлар

Баланснинг пасив қисми 3 қисмдан иборат:

-Ўз маблағлари манбаи

-Суғурта захиралари

-Мажбуриятлар.

Баланснинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг актив ва пасив томонларини пул кўринишида бир бирига тенгличидир.

Балансни хўжалик фаолияти кўрсаткичларини акс эттирувчи ойнага қиёслаш мумкин. Баланс бу хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари тўғрисидаги муҳим маълумотларни ўзида мужассамлаштирган хўжалик субъектлари фаолияти якуни тўғрисида ҳисобот демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 18 июнда 1827-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирининг 2008 йил 11 июндаги 61-сон буйруғи билан тасдиқланган Суғурталовчининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисида низомга асосан Суғурталовчининг бош бухгалтери қуйидаги малака талабларига мос келиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган, ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга эга бўлиши;

б) бухгалтер сифатида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши, шундан суғурта соҳасида бухгалтер сифатида бир йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши.

Суғурталовчининг раҳбари (бош бухгалтери) этиб, раҳбар (бош бухгалтер) томонидан амалга оширилган ҳаракатлар юридик шахсни банкротликка ёки уни мажбурий тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқарилишига олиб келганлиги бўйича маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, банкрот деб топилган ёки суд томонидан уни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтгача бир йил мобайнида юридик шахснинг раҳбари (бош бухгалтери) бўлиб ҳисобланган шахс тайинланиши (сайланиши) мумкин эмас.

Бухгалтерия ҳужжатлари қандай мақсадларга тайинланганлиги, тузиш тартиби ва муомолаларни қамраб олиши бўйича гуруҳланади.

Ҳужжатларни қандай мақсадга тайинланганлига қараб, фармойиш, тасдиқловчи, бухгалтерия расмийлаштирувчи ва аралаш ҳужжатларга бўлинади.

Фармойиш ҳужжатларига буйруқлар, чеклар ва ишончномалар киради.

Тасдиқловчи ҳужжатларга касса кирим ордери, мулкни топшириш ва қабул қилиш далолатномалари каби ҳужжатлар киради.

Бухгалтерия расмийлаштирувчи ҳужжатларига бухгалтерия ҳисобини соддалаштириш ва енгиллаштиришга мўлжалланган ҳужжатлар масалан амортизация ажратмалари ҳисоб китоби, қатъий ҳисобда турувчи иш қоғозларини сарфланиши бўйича ҳисобот каби ҳужжатлардир.

Аралаш ҳужжатлар сарасига фармойиш, тасдиқловчи, бухгалтерия расмийлаштирувчи ҳужжатларини мазмунини биргаликда ифоджалайдиган ҳужжатлардан иборат бўлади. Бундай ҳужжатларга ҳисоб берувчи шахсларнинг бўнак ҳисоботи мисол бўла олади.

Тузилиш тартибига кўра ҳужжатлар дастлабки ва йиғма ҳужжатларга бўлинади. Муомолаларни қамраб олиши бўйича ҳужжатлар биргалик ва жамғарувчи ҳужжатларга ажратилади.

Тезкор бошқарувда фойдаланиб бўлингандан кейин ҳужжатлар улар билан расмийлаштирилган муомолаларни молиявий ва бошқарув ҳисоб тизимида йиғма маълумотларни олиш мақсадида экс эттириш учун бухгалтерияга топширилади. Бухгалтерияга келиб тушган ҳужжатлар биринчи навбатда муомолаларнинг қонунийлиги, уларни расмийлаштиришга доир талабларнинг бажарилиши, арифметик амаллар ва ҳисобларнинг тўғрилиги нуқтаи назаридан текширилади.

Бухгалтерия хужжатларини тузишда йўл қўйилган хатолар куйидаги белгиларига караб таснифланади:

-Хужжат реквизиотидаги хатолар.

-хатога йўл қўйган шахс

-ғаразлик

Солиққа тортишга таъсири

Хатоларни юзага келиш сабаблари

Хатоларни кейинги хужжатларда қайтарилиши.

Хатоликларни тузатиш усуллари

Агарда хатолар даврий ҳисоботни солиқ органларига ҳисобот топширгунга қадар аниқланса, хато ёзувни тўғрисида алмаштириш йўли билан тўғриланади.

Бундан ташқари

-қўшимча ёзув усули;

-тескари проводка бериш усули;

-қизил ёзув усули кабилардан фойдаланилади.

Қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг 2004 йил 10 мартдаги №37, №2004-26 ва №20/1 сонли қарорлари билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 06 апрелда 1334-сон билан рўйхатга олинган «Инвентаризацияда аниқланган мулк ортиқчалиги ва етишмаслигини солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида»ги Қоидалар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги №131-сон буйруғи билан тасдиқланган “Бухгалтерия ҳисобидаги хужжатлар ва хужжатлар айлануви туғрисидаги Низом”га ва «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш» 19-БҲМА асосида белгиланади.

Қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни олиш, сақлаш, бериш ва фойдаланиш топширилган суғурталовчининг масъул шахслари суғурталовчи раҳбарининг буйруғи билан тайинланади. Бу шахслар Меҳнат кодексининг 203-моддасида белгиланган тартибда ва ҳолатларда суғурталовчи билан тўлиқ индивидуал моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома имзолайдилар. Агар масъул шахс вақтинчалик йўқ бўлса ёки бошқа ишга ўтадиган бўлса, қатъий ҳисобда турувчи

бланкалар масъул шахс ва бу мажбуриятларни бажариш унинг зиммасига ўтадиган шахснинг имзолари билан тасдиқланган қабул қилиш-ўтказиш далолатномаси бўйича берилиши лозим.

Қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни таъминотчидан қабул қилиш корхонанинг масъул шахси томонидан амалга оширилади. Қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни олишда бланкалар солинган пакетлар мажбурий тартибда масъул шахс томонидан ўровнинг бузилмаганлиги кўриб чиқилади, олинган ўровларнинг мос келувчи ҳужжатларда кўрсатилган миқдорга мос келиши текширилади ва бу ҳақида далолатнома тузилади. Полиграфия корхоналаридан харид қилинган қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ортиқчалиги ёки етишмаслиги аниқланган ҳолларда (босма матн, ҳимоя сеткасининг йўқлиги ёки бузилганлиги, рақамларнинг такрорланиши ёки шрифти қийшайган, қийшиқ кесилган ва нотўғри форматли бланкалар, бланкаларда рақамлар йўқлиги ёки уларнинг пакетдаги полиграфия корхонаси ёрлиғи(наклейкаси)даги рақамларга мос тушмаслиги) уч нусхада далолатнома тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси полиграфия корхонасининг ёрлиғи ва нуқсонли бланкалар билан бирга илова хати қўшилган ҳолда полиграфия корхонасига жўнатилади, ёрлиғидан ксерокопия олинган иккинчи ва учинчи нусха эса суғурталовчида қолади. Даъво қонунчилиқда белгиланган тартибда қилинади.

Қатъий ҳисобда турувчи бланкалар сейф ёки ёнмайдиган шкафларда сақланиши лозим. Қатъий ҳисобда турувчи бланкаларнинг сақланишини таъминлаш мақсадида суғурталовчида ишдан ташқари вақтда бўлган сейфлар, ёнмайдиган шкафлар ва шундай бланкаларни сақлаш учун махсус жиҳозланган хоналар муҳрланади ва пломбланади. Масъул шахс қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ҳисобини уларнинг номи, серияси ва рақамлари бўйича 1-жадвалдаги шаклга мувофиқ рақамланган ва ип билан тикилган «Қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни ҳисобга олиш журнали»да юритади. Журналнинг сўнгги варағида корхона раҳбари ёки у қонунчилиқда кўрсатилган тартибда белгилаган шахслар имзоси билан «Ушбу журналда ... варақ рақамланган» деб ёзиб қўйилади ва муҳр қўйилади. Варақлар сони қўлда ёзиб кўрсатилади. «Қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни ҳисобга олиш журнали» аниқ, тушунарли ва

қискартиришларсиз тўлдирилади. Журналда ўчириб ёзишга йўл қўйилмайди. Йўл қўйилган хатолар мос келувчи изохлар билан тўғриланади.

*1-жадвал*

### Қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни ҳисобга олиш журнали

| Келиб    | Кирим   |      |       |        | Чиқим |     |       |          |       |
|----------|---------|------|-------|--------|-------|-----|-------|----------|-------|
| тушган   | Кимдан  | Оли  |       | Бланка | берил | Ким | Бланк | Бланкала | Олга  |
| бланкни  | (қаерда | н    | Бланк | лар    | ган   | га  | алар  | р        | н лик |
| нг илова | н       | ган  | а     | рақами | вақти | бер | сони  | рақами   | ҳақид |
| хужжати  | олинга  | вақт | лар   |        |       | ил  |       |          | а     |
| сана №   | н)      | и    | сони  | №дан   |       | ган |       | №дан     | имзо  |
|          |         |      |       | №гача  |       |     |       | №гача    |       |

Қатъий ҳисобда турувчи бланкалар материалларни ҳисобга олиш счетларида уларнинг номи, сони ва амалдаги таннархи (харид нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) бўйича ҳисобга олинади. Ҳисоб берувчи шахслар олинган ва фойдаланилган қатъий ҳисобда турувчи бланкаларнинг ҳар бири учун жавоб беради.

Қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни ҳисоб берувчи шахсларга бериш масъул шахс томонидан корхона раҳбари ёки у қонунчиликда кўрсатилган тартибда тайинлаган шахснинг буйруғи асосида амалга оширилади.


Қатъий ҳисобда турувчи бланкаларда ўчириб ёзиш ва тузатишлар аниқланган ҳолларда, шунингдек, қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни тўдириш ва фойдаланишда бошқа қоидабузарликлар аниқланган ҳолатда ушбу қоидабузарликлар учун жавобгар шахсга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилади.

Қатъий ҳисобда турувчи бланкалар материалларни ҳисобга олиш счетидан улар фойдаланилиши билан харажатларни ҳисобга олиш счетига ўтказилади. Нуқсонли, тўлдиришда бузиб қўйилган, эскирган, шикаст етган, шунингдек, алмаштирилган қатъий ҳисобда турувчи бланкалар корхона бухгалтериясига топширилади ва бу ҳақда мос келувчи далолатнома тузилади. Нуқсонли, тўлдиришда бузиб қўйилган, эскирган, шикаст етган, шунингдек, алмаштирилган қатъий ҳисобда турувчи бланкалар зарур ҳолларда, бироқ

камида йилига бир марта махсус тайинланган комиссия томонидан бу ҳақда мос келувчи далолатнома тузган ҳолда йўқ қилинади.

Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби жараёни ўзаро узвий боғланган бир неча босқичдан иборатдир. Булар:

- молиявий маълумотларни аниқлаш ва йиғиш;
- уларни қайта ишлаш;
- молиявий ҳисобот тайёрлаш ва фойдаланувчиларга тақдим қилиш.



### ***3-Чизма. Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботни тузиш босқичлари.***

Юқорида келтирилган босқичлар фақат бухгалтерия ҳисоби жараёнларини кетма-кетлигини тасвирлайди ҳолос. Бирор нарсани баҳолашда амалиётни мезон қилувчи ғарб олимлари бухгалтерия ҳисобига таъриф беришда асосан унинг ташқи белгиларга эътибор қаратишган. Масалан, америкалик олимлар Б. Нидлз, Х. Андерсон ва Д. Колдуэлллар унга қуйидагича таъриф беришган: “Бухгалтерия ҳисоби маълум хўжалик субъекти тўғрисидаги молиявий маълумотларни ўлчаб, қайта ишлаб тақдим қилувчи тизимдир”.

Демак, суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби маълум тамойилларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Айнан шу тамойиллар бухгалтерия ҳисобини оддий ҳисобчиликдан фарқини аниқлайди ва бухгалтерия ҳисоби фанини мазмунини очиб беради. Бу тамойиллар бухгалтерия ҳисобининг умум ўрнатилган тамойиллари деб қабул қилинган. Баъзи мамлакатларда бу тамойиллар давлат томонидан ўрнатилиб, уларга қонуний тус берилган, айрим мамлакатларда эса уларни проффесионал ташкилотлар белгилаб беради.

Суғурта ташкилотларида умум ўрнатилган тамойилларига риоя қилган ҳолда шу уч босқични амалга ошириш жараёни бухгалтерия ҳисоби ахборотлаштириш тизимини яратади. Шу мезонларга ва унинг асосини ташкил қилувчи хўжалик фаолиятдан келиб чиқиб, унга қуйидаги таърифни бериш мумкин:

Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби фойдаланувчиларга қарорлар қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъекти фаолияти тўғрисидаги молиявий маълумотларни умум қабул қилинган тамойилларга асосан аниқлаш, қайта ишлаш ва молиявий ҳисобот шаклида етказиб беришни амалга оширадиган ахборот тизимдир.

## **2-БОБ. СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЮРИТИШ**

### **2.1. Суғурта мукофотлари ва тўловларининг бухгалтерия ҳисоби**

Ўзбекистон республикаси фуқаролик кодексининг 947 моддасига асосан суғурта шартномаси агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи суғурта бадали келиб тушгандан бошлаб кучга киради.

Суғурта мукофоти- бу суғурта шартномасида белгиланган тартиб ва муддатда Суғурталовчига Суғурта қилдирувчи тўлаши шарт бўлган суғурта учун ҳақ. Унинг миқдори суғурта пули ва суғурта тарифи миқдоридан келиб чиқиб аниқланади.

Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби СЧЁТЛАР РЕЖАСИ га асосан суғурта мукофотлари тушуми ва қайтими қуйидаги ҳисобларда ҳисобга олинади.

4030-Суғурта қилдирувчилардан олинadиган ҳисоблар

4040-Суғурта агентлари ва брокерларидан олинadиган ҳисоблар

6280-Тўғридан тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари.

Суғурта мукофотлари бевосита суғурта қилдирувчилардан ёки суғурта агентлари ва брокерлари орқали келиб тушиши мумкин.

Суғурта шартномалари бўйича суғурта қилдирувчиларга ҳисобланган суммаси 4030 "Суғурта қилдирувчилардан олинadиган ҳисоблар" ҳисобида акс эттирилади.

Суғурта мукофоти ҳисобланганда

Дебет 4030 "Суғурта қилдирувчилардан олинadиган ҳисоблар"

Кредит 6280 "Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари"

Суғурта мукофотлари тўланганда

Дебет 5000, 5100, 5200 пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисоблар

Кредит 4030 "Суғурта қилдирувчилардан олинadиган ҳисоблар"

Ушбу ҳисобарақлар бўйича операциялар таҳлили қуйидаги чизмада келтирилган.

ДОИМИЙ ҲИСОБВАРАҚЛАР

Активлар = Мажбурият + Капитал

|                                             |                                                |                                                 |                                                      |                                               |                                                  |
|---------------------------------------------|------------------------------------------------|-------------------------------------------------|------------------------------------------------------|-----------------------------------------------|--------------------------------------------------|
| Ёзувнинг<br>дебети<br>Активнинг<br>кўпайиши | Ёзувнинг<br>кредитида<br>активнинг<br>камайиши | Ёзувнинг<br>дебети<br>мажбуриятнинг<br>камайиши | Ёзувнинг<br>кредити<br>мажбурият<br>нинг<br>кўпайиши | Ёзувнинг<br>дебети<br>капиталнинг<br>камайиши | Ёзувнинг<br>кредити<br>мажбуриятнинг<br>кўпайиши |
|---------------------------------------------|------------------------------------------------|-------------------------------------------------|------------------------------------------------------|-----------------------------------------------|--------------------------------------------------|

| ВАҚТИНЧАЛИК ҲИСОБВАРАҚЛАР                     |                                                |                                           |                                                |
|-----------------------------------------------|------------------------------------------------|-------------------------------------------|------------------------------------------------|
| ДАРОМАДЛАР                                    |                                                | ХАРАЖАТЛАР                                |                                                |
| Ёзувнинг<br>дебети<br>даромаднинг<br>камайиши | Ёзувнинг<br>кредити<br>даромаднинг<br>кўпайиши | Ёзувнинг дебет<br>харажатнинг<br>кўпайиши | Ёзувнинг<br>кредити<br>харажатнинг<br>камайиши |
| Фойда                                         |                                                | ЗАРАРЛАР                                  |                                                |

## **6-Чизма. Ҳисобварақларнинг туркумланиши.**

Суғурта мукофотларини тўлаш суғурта агентлари ёки брокерлари орқали амалга оширилганда

Дебет 4040 "Суғурта агентлари ва брокерларидан олинadиган счётлар"

Кредит 6280 "Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари"

Суғурта мукофотларининг ҳақиқатда суғурта агенти ёки брокери томонидан тўланиши

Дебет 5000, 5100, 5200 пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

Кредит 4040 "Суғурта агентлари ва брокерларидан олинadиган счётлар"  
бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади.

Агар агентлик келишувида қонунчиликда ўрнатилган тартибда, суғурта агентлари ёки брокерларига комиссиян мукофотларнинг ушлаб қолиниши назарда тутилган бўлса, ушлаб қолинган комиссиян мукофотлар суммасига

Дебет 6040 "Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган счётлар"

Кредит 4040 "Суғурта агентлари ва брокерларидан олинadиган счётлар"  
бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

6280 "Тўғридан тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари" счётида суғурта шартномалари бўйича олинган суғурта мукофотлари ҳисобга олинади. Суғурта мукофотларининг тўланиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети 6280 "Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари" счётининг кредити билан боғланган ҳолда, расмийлаштирилади. Бундан ташқари, ушбу счёт куйидаги счётлар билан ҳам боғланиши мумкин:

суғурта қилдирувчиларга тўланадиган счётлар (6030);

тўланадиган дивидендларни ҳисобга олувчи счётлар (6610);

ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар (6710).

Ушбу счётнинг 6030 "Суғурта қилдирувчиларга тўланадиган счётлар" счёти билан боғланиши, суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига

тўланаётган суғурта товони суммасидан тикловчи суғурта мукофотини ёки тўланмаган суғурта мукофотини ушлаб қолишда амалга оширилади. Бунда Дебет 6030 "Суғурта қилдирувчиларга тўланадиган счётлар" Кредит 6280 "Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари" счётининг кредити билан боғланган ҳолда ёзув амалга оширилади. Ҳисобот даврининг охирида ушбу счётнинг кредит томонидаги қолдиғи дебети бўйича 9030 "Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар" счётининг кредитига ўтказилади.

Суғурта мукофотлари тушими ва қайтимини аналитик ҳисоби ҳар бир суғурта турлари бўйича ва ҳар бир суғурта шартнома бўйича юритилади.

Бунинг учун суғурталовчи томонидан суғурта мукофотлари тушумини қайд этиш журнали юритилади.

Ҳозирги кунда аналитик ҳисоб юритиш учун суғурта ташкилотларида суғурта турлари бўйича компьютер дастурий таъминоти жорий қилинган бўлиб, ушбу дастурда қайд этиб борилади.

Аналитик ҳисоб учун асос бўлган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат.

Суғурта шартномаси.

Суғурта агентининг ҳисоботи.

Суғурта полиси.

Суғурта мукофоти келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжат (банк ҳисоб варағидан кўчирма ёки квитанция)

Суғурта ихтиёрий ва мажбурий суғурта турларига бўлинади.

Мажбурий суғурта қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон республикасида “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш” ва “Иш берувчи фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш” тўғрисидаги қонунлар кучга киритилган.

Ушбу мажбурий суғурта турлари бўйича алохида ҳисоб китоб юритиш зарурияти туфайли суғурта ташкилотлари ўзларининг ҳисоб сиёсатиға кўра кўшимча аналитик ҳисоблар очишлари мумкин.

Жумладан: “Ўзагросуғурта” компанияси тизимида мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотлари тушуми учун қуйидаги ҳисоблар киритилган:

6285- Фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси шартномалари бўйича суғурта мукофотлари (ҳуқуқий шахслар)

6286- Фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси шартномалари бўйича суғурта мукофотлари (жисмоний шахслар)

Аналитик ҳисоб регистрлари бўлиб, Фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси шартномаларини рўйхатға олиш журнали ва компьютер дастурий таъминоти ҳисобланади.

Ушбу дастурда Мажбурий суғурта турлари бўйича ҳар бир тузилган суғурта шартномаси рақами, шартнома тузилган сана, амал қилиш муддати, ҳисобланган суғурта мукофоти, тушган суғурта мукофоти, олинган суғурта жавобгарлиги, берилган суғурта полиси серия рақами, агар шартнома муддатидан олдин бекор қилинган бўлса, шартнома бекор қилинган сана., қайтарилган суғурта мукофоти суммаси кўрсатилади.

Суғурта компанияси етарли миқдорда маблағи бўлмайд туриб, йирик қийматға эга бўлган мол мулкларни суғурталаса суғурта ходисаси рўй берганда тегишли қопламани тўла олмайди ва банкрот бўлиши мумкин. Суғурта компанияларининг молиявий барқарор фаолият кўрсатишни таъминловчи усуллардан бири - қайта суғурта тизимидир. Қайта суғурталаш компаниясини ташқил қилишдан асосий мақсад, суғурта компанияларини молиявий барқарорлигини таъминлашға қаратилган. қайта суғурта қилиш муомолаларини оддий суғурта компаниялари ва ихтисослашган қайта суғурта қилиш компаниялари ҳам амалға оширишлари мумкин.

Қайта суғурта шартномаси тузишда қайта суғурта қилишға оид қуйидаги атамалар қўлланилади:

**ретроцессия** - қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган суғурта мажбуриятларини ёки уларнинг бир қисmini қайта суғурта қилиш шартномаси асосида қайта суғурта қилишга бериш;

**қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар** - суғурталовчи томонидан бошқа суғурталовчилардан қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ қабул қилинган таваккалчиликлар;

**қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар** - суғурталовчи томонидан қабул қилинган ва қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ бошқа суғурталовчида суғурталанган таваккалчиликлар;

**қайта суғурта қилдирувчи (цедент)** - ўзига қабул қилиб олган суғурта мажбуриятларини қайта суғурта қилишга берувчи суғурталовчи ёки қайта суғурталовчи;

**қайта суғурталовчи (цессионер)**- қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия ёки бир вақтда қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи суғурта фаолияти бўйича лицензияга эга бўлган суғурталовчи, жойлашган жойидаги давлат қонунчилигига мувофиқ қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган чет эл суғурта ташкилоти.

Қайта суғурта муомолалари бўйича қуйилаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Қайта суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти ҳисобланса ва тўланса:

1.Қайта суғурта қилдирувчи (цедент) томонидан қуйидагича расмийлаштирилади:

6060 "Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар" счётида суғурталовчининг қайта суғурта қилишга берилган шартномалари бўйича мажбуриятлари акс эттирилади. Қайта суғурта мукофоти ҳисобланганда

Дебет 9040

Кредит 6060

Суғурта мукофоти қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ тўланса

Дебет 6060

Кредит 5110

Хисобот даври тугаганда

Дебет 9030

Кредит 9040

6070 "Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар" счётида қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича депо мукофотлар акс эттирилади. Агар қайта суғурта қилиш шартномасида суғурта мукофотларини қайта суғурта қилишга берилаётган таваккалчиликларнинг жами бўйича суғурта мукофотларини маълум давр оралиғида ўтказиш назарда тутилган бўлса, ушбу давр тугагунга қадар қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича ҳисобланган суғурта мукофоти комисион рағбатлантиришлар чегирилган ҳолатда депонентланган (депо мукофот) ҳисобланади. Депо мукофотлар ҳисобланса:

Дебет 6060

Кредит 6070

6060 "Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича. Қайта суғурта қилиш шартномасида кўрсатилган муддатнинг тугаши билан (қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича суғурта мукофотларини тўлаш муддати келганда)

Дебет 6070

Кредит 6060

2. Қайта суғурта шартномаси бўйича муомолалар Қайта сугурталовчи (цессионер) томонидан қуйидагича расмийлаштирилади:

Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофоти ҳисобланганда,

Дебет 4050

Кредит 6270

Суғурта мукофоти келиб тушганда

Дебет 5110

Кредит 4050

6270 Қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофоти даромадга олинса

Дебет 6270

Кредит 9030

4090 "Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо мукофотлари" счётида қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ қайта суғурта қилдирувчи томонидан қайта суғурта қилиш қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича унга ҳисобланган, қайта суғурта қилдирувчи томонидан вақтинча ушлаб турилган суғурта мукофотларининг суммаси акс эттирилади. Ушбу счёт қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича қайта суғурталовчи бўлган суғурталовчи томонидан фойдаланилади. Агар қайта суғурта қилиш шартномасида суғурта мукофотларини қайта суғурта қилишга берилаётган таваккалчиликларнинг жами бўйича суғурта мукофотларини маълум давр оралиғида ўтказиш назарда тутилган бўлса, ушбу давр тугагунга қадар қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича ҳисобланган суғурта мукофоти комисион рағбатлантиришлар чегирилган ҳолатда депонентланган (депо мукофот) ҳисобланади.

Депо мукофотлар ҳисобланса:

Дебет 4090

Кредит 4050

Қайта суғурта қилиш шартномасида кўрсатилган муддатнинг тугаши билан (қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича суғурта мукофотларини олиш муддати келганда)

Дебет 4050

Кредит 4090

Суғурта товони- Суғурта ҳодисаси натижасида Суғурта қилдирувчига ва/ёки Наф олувчига етказилган молиявий зарарни қоплаш

учун Суғурта жавобгарлиги доирасида Суғурталовчи томонидан тўланадиган пул маблағи.

Шахс суғуртаси шартномаси бўйича Суғурта пули- Суғурта ҳодисаси натижасида Суғурталанган шахсга ёки манфаатдор шахсга Суғурталовчи томонидан тўланадиган пул маблағнинг энг юқори миқдори.

Суғурта ташкилотларида суғурта шартномаси амал қилган даврда содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта пули ва суғурта товонларини аниқлаш ва тўлаш жараёнлари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади.

6030 "Суғурта қилдирувчиларга тўланадиган счётлар" счётида суғурталовчининг суғурта қилдирувчиларга суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари акс эттирилади. Суғурта товони ҳисобланганда

Дебет 6030 "Суғурта қилдирувчиларга тўланадиган счётлар" счёти

Кредит 9431, 9432, 2210, 2220 счётлар

Суғурта товонининг тўланиши

Дебет 6030 "Суғурта қилдирувчиларга тўланадиган счётлар"

Кредит 5000, 5100, 5200 пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади.

Суғурталовчилар ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта захираларининг вақтинча бўш маблағларидан суғурта полиси кафолати остида суғурта қилдирувчиларга ссудалар бериши мумкин. Суғурталанувчи томонидан ссудани ўз вақтида қайтармаган ҳолатда, суғурта қилдирувчининг ссудалар бўйича қарздорлигини суғурта товони суммасидан ушлаб қолинганда

Дебет 6030 "Суғурта қилдирувчиларга тўланадиган счётлар" счёти

Кредит 4070 "Ҳаёт суғуртаси бўйича берилган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар" счёти, ёзувини амалга ошириш орқали расмийлаштирилади.

Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизларнинг суғурта товони ҳисобидан ушлаб қолинганда

Дебет 6030 "Суғурта қилдирувчиларга тўланадиган счётлар" счёти

Кредит 4830 "Олинадиган фоизлар" счёти ёзуви амалга оширилади.

Суғурта ташкилотларида суғурта шартномаси амал қилган даврда содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта қилдирувчилардан келиб тушган аризаларни кўриб чиқиш жараёни Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта назорати Давлат инспекцияси томонидан 2008 йил 22 октябрда ишлаб чиқилган услубий тавсиялар асосида суғурталовчи томонидан тасдиқланган суғурта даволарини кўриб чиқиш тартибига кўра амалга оширилади.

Мулкка етказилган зарар бўйича суғурта . ҳодиса содир бўлганда қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

- ҳодиса тўғрисида хабарнома (ариза);
- суғурта шартномаси (полиси);
- суғурта мукофоти тўлаганлиги ҳақидаги ҳужжат нусхаси;
- ҳодисаси натижасида мол-мулкнинг зарарланганлиги ёки нобуд бўлганлигини тасдиқлаб тузилган маълумотнома ва суғурта ҳодисаси учун айбдор юридик ёки жисмоний шахснинг тушунтириш хати;
- ҳодисани тасдиқловчи мутасадди ташкилотлар (ИИБ, ёнгин ҳафвсизлиги, гидрометеролигия бюроси ва х.к.) ҳужжати;

Фуқаронинг ҳаёти ва саломатлигига зарар етказилганда қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

- ҳодиса тўғрисида хабарнома (ариза);
- суғурта шартномаси (полиси);
- суғурта мукофоти тўлаганлиги ҳақидаги ҳужжат нусхаси;
- даволаш муассасасининг суғурта ҳодисаси юз берганлигини тасдиқловчи №195 шаклдаги маълумотномаси, зарур ҳолларда касаллик варақаси, рентген сурати, тергов ташкилотларининг ҳужжатлари илова қилинади.
- суғурталанган шахс вафот этганда Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан берилган ўлим тўғрисидаги гувоҳномани нусхаси тақдим қилинади.

Агар тақдим қилигна хужжатларга кўра суғурта ҳодисаси тан олиниб, суғурта товони аниқланган бўлса, суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўртасида Суғурта ҳодисасининг тан олинганлиги тўғрисида далолатнома тузилади ва суғурта товони 5 (беш) кун муддат ичида тўлаб берилади.

Агар тақдим қилигна хужжатларга кўра суғурта товонини тўлаш рад этилган бўлса, суғурталовчи томонидан бу ҳақда 3 (уч) банк куни ичида суғурта қилдирувчига суғурта товони тўлаш рад этилиши сабаблари тўлиқ кўрсатилган ҳолда ёзма равишда хабар берилади.

Қайта суғурта шартномаси бўйича суғурта товони аниқланганда ва тўланганда:

Қайта суғурта қилдирувчи (цедент) томонидан қуйидагича расмийлаштирилади:

4060 "Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар" счётида қайта суғурта қилиш бўйича ҳисобланган суммалар акс эттирилади. Қайта суғурталовчидан олинадиган ҳисобланган суғурта товонининг суммасига,

Дебет 4060

Кредит 9070

Суғурта товони тўланганда

Дебет 5110

Кредит 4060

Агар қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ қайта суғурталовчининг қарзи депо мукофотлар ҳисобига қопланса, депо мукофотлар суммасига,

Дебет 6070 Кредит 4060

Ҳисобот даврининг охирида

Дебет 9070 Кредит 9910

4080 "Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо зарари" счётида қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ қайта суғурта қилдирувчи томонидан қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар

бўйича унга ҳисобланган, қайта суғурталовчи томонидан вақтинча ушлаб турилган суғурта товонларининг суммаси акс эттирилади. Ушбу счёт қайта суғурта қилиш шартномасида қайта суғурта қилдирувчи бўлган суғурталовчи томонидан фойдаланилади. Депо суғурта товони

Дебет 4080    Кредит 4060

Қайта суғурта қилиш шартномасида кўрсатилган муддатнинг тугаши билан (қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича суғурта товонларини олиш муддати келганда)

Дебет 4060    Кредит 4080

2. Қайта суғурта шартномаси бўйича суғурта товони тўлашда қайта суғурталовчи(цессионер) томонидан қуйидагича расмийлаштирилади:

6050 "Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар" счётида қайта суғурта қилиш бўйича олинган шартномалар бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари акс эттирилади. Қайта суғурта қилдирувчига тўланадиган суғурта товони ҳисобланса:

Дебет 2230    Кредит 6050

Товон улуши тўланганда:

Дебет 6050    Кредит 5110    ёзуви амалга оширилади.

## **2.2. Суғурталовчининг иш юритиш харажатларининг бухгалтерия ҳисоби**

Суғурта ташкилотларида иш юритиш харажатлари қуйидаги турларга бўлинади:

- аквизация харажатлари
- воситачилик харажатлари

Суғурта ҳодисасини бартароф этиш харажатлари

Бошқарув харажатлари

Аквизация харажатлари- бу суғурта ташкилотини суғурта шартномасини тузиш билан боғлиқ (реклама, маркетинг, тарғибот ва ташвиқот ишлари) харажатлари мажмуидир

Воситачилик харажатлари-суғурта воситачиларига тузилган суғурта шартномалари бўйича келиб тушган суғурта мукофотларига нисбатан белгиланган фоизларда тўланадиган иш хақи.

Суғурта ходисасини бартароф этиш харажатлари-бу суғурта ходисасини олдини олиш учун қилинган харажатлар

Бошқарув харажатлари-бу суғурта ташкилотини бошқариш билан боғлиқ харажатлар.

Суғурталовчининг иш юритиш харажатлари ҳисоби 2000 “Суғурта ишини юритиш харажатлари” ҳисобида куйидаги харажат моддалари бўйича олиб борилади.

Маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган харажатлар таркиби:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари;
- ишлаб чиқариш тавсифидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга алоқаси бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари;
- асосий воситалар ва ишлаб чиқариш тавсифидаги номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш тавсифидаги бошқа харажатлар.

Суғурта хизматлари таннархи таркибига кўшимча (ўзига хос) харажатлар киради:

-суғурталаш (биргаликда суғурталаш) ва қайта суғурталаш (суғурта ташкилотига тегишли улуш қисмида) шартномалари бўйича суғурта мукофотлари тўлов миқдори;

-суғурта ходисалари бўйича тўловлар ва тартибга солиш билан боғлиқ харажатлари;

-суғурта ходисасини олдини олиш чора-тадбирларини молиялаштириш бўйича захираларга ажратмалар;

-қайта суғурталаш муомолалари бўйича тантём ва комисион мукофотлар;

-суғурта агенти ва суғурта брокери хизматларини кўрсатиш учун тўланган комисион мукофотлар;

-суғурта агентларининг турар жойидан суғурталовчининг олдиға бориб келиш харажатлари тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган бу харажатларни қоплаш;

-корхона, ташкилот ва муассасаларга нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан уларнинг иш ҳақидан суғурта бадаллари ўтказиш бўйича ходимларнинг ёзма топшириқларини бажарганлик учун тўловлар;

-соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларнинг маълумотнома, статистик маълумотлар, хулосалар ва ҳоказолар бериш бўйича хизматларига ҳақ тўлаш;

-суғурта рискин баҳолаш, мулкнинг суғурта қийматини аниқлаш, суғурта ҳолатлари оқибатини баҳолаш ва суғурта тўлови миқдорини аниқлаш учун жалб этиладиган мутахассислар (экспертлар, юристлар, адвокатлар) хизматларига ҳақ тўлаш;

-суғурта фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ, жумладан, суғурталовчиларга тўловларга хизмат кўрсатиш, ҳисобрақами ва бошқа счетлар, нақд пул бериш ва қабул қилиш бўйича муомолаларни амалга ошириш билан боғлиқ банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг хизматларига ҳақ тўлаш;

-тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалдаги меъёрлар доирасида реклама, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, вакиллик харажатлари;

-суғурта гувоҳномалари. қатъий ҳисоб остидаги бланклар, квитанциялар ва ҳоказолар тайёрлаш учун харажатлар;

-суғурта фаолиятини амалга ошириш (ҳужжатлар ва моддий бойликлар, мутахассисларни ташиш) учун мўлжалланган автомобиль транспорти харажатлари;

-суғурталовчиларнинг транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Тўловларни қафолатлаш жамғармасига тулайдиган мажбурий бадаллари.

Кишилик жамияти тараққиётининг асосини моддий манфаатдорлик ташкил қилади. Ишлаб чиқариш самарадорлиғни оширишда инсон омили катта рол ўйнайди.

Меҳнат ҳақининг рағбатлантирувчи роли меҳнат унумдорлиғи, ишлаб чиқариш самарадорлиғи-барчаси пировард натижалар билан яъни корхонанинг даромадларини ошириш ва юқори рентабелликка эришиш билан ифодаланади.

Иш ҳақи тизими 2 га бўлинади:

-Тарифли

-тарифсиз

Иш ҳақининг тарифли тизимида қуйидагиларга асоланади.

тариф сеткаси

тариф ставкаси

тариф малака маълумотномаси

Республикақимизда халқ хўжалиғи тармоқлари учун ягона бўлган тариф сеткаси қўлланилади.

Иш ҳақи бўйича ягона тариф сеткаси.

*2-жадвал*

| Меҳнатга ҳақ<br>тўлаш<br>разрядлари | Тариф<br>коэффициентлар<br>и | Меҳнатга ҳақ<br>тўлаш<br>разрядлари | Тариф<br>коэффициентлар<br>и |
|-------------------------------------|------------------------------|-------------------------------------|------------------------------|
| 0                                   | 1,000                        | 12                                  | 6,115                        |
| 1                                   | 2,476                        | 13                                  | 6,503                        |
| 2                                   | 2,725                        | 14                                  | 6,893                        |
| 3                                   | 2,998                        | 15                                  | 7,292                        |
| 4                                   | 3,297                        | 16                                  | 7,697                        |
| 5                                   | 3,612                        | 17                                  | 8,106                        |
| 6                                   | 3,941                        | 18                                  | 8,522                        |
| 7                                   | 4,284                        | 19                                  | 8,943                        |
| 8                                   | 4,640                        | 20                                  | 9,371                        |
| 9                                   | 4,997                        | 21                                  | 9,804                        |
| 10                                  | 5,362                        | 22                                  | 10,240                       |
| 11                                  | 5,733                        |                                     |                              |

Иш ҳақининг тарифсиз тизимида суғурта ташкилотларида суғурта агентларининг воситачилик иш ҳақлари киради.

Иш ҳақининг қуйидаги шакллари мавжуд:

-ишбай

-вақтбай

Бажарилган ишнинг миқдори ва сифатига қараб тўланадиган иш ҳақи ишбай иш ҳақи, бажарилган иш ҳажмини ўлчаш имконияти бўлмаган иш турларига вақтбай асосида ҳақ тўланади. Меҳнат ҳақи фонли таркиби қуйидагилар киради:

Ходимнинг ишлаган ва ишламаган даври учун

Аосий иш ҳақи

Қўшимча иш ҳақи

Рағбатлантириш тўловлари

Мукофотлар

Натруа ҳисобидани тўловлар

Бошқа тўловлар

-Йил якуни бўйича тақдирлаш ҳисобот йилида тўлиқ ишлаган ходимларга қуйидагича тўланади.

|                      |      |
|----------------------|------|
| 1 йилдан 3 йилгача   | -1.0 |
| 3 йилдан 5 йилгача   | -1.1 |
| 5 йилдан 10 йилгача  | -1.3 |
| 10 йилдан 15 йилгача | -1.6 |
| 15 йилдан ортиқ      | -2.0 |

-Қўп йил ишлаганлиги учун тақдирлаш

|                      |      |
|----------------------|------|
| 1 йилдан 3 йилгача   | -5%  |
| 3 йилдан 5 йилгача   | -10% |
| 5 йилдан 10 йилгача  | -20% |
| 10 йилдан 15 йилгача | -30% |
| 15 йилдан ортиқ      | -40% |

## Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича бухгалтерия ёзувдари

| №  | Муомала мазмуни                                                                                                   | Дебет | Кредит    |
|----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|-----------|
| 1  | Суғурта воситачиларига иш ҳақи ҳисобланди                                                                         | 2010  | 6710      |
| 2  | Штат ходимларига иш ҳақи ҳисобланди                                                                               | 9420  | 6710      |
| 3  | Асосий воситаларни тугатишда қатнашган ичиларга иш ҳақи ҳисобланди                                                | 9210  | 6710      |
| 4  | Ортиқча тўланган иш ҳақи кассага қайтарилганда                                                                    | 5010  | 6710      |
| 5  | Табиий офат, ёнғинларни тугатишда қатнашган ходимларга иш ҳақи ҳисобланганда                                      | 9720  | 6710      |
| 6  | Кассадан иш ҳақи тўлаб берилди                                                                                    | 6710  | 5010      |
| 7  | Иш ҳақидан даромад солиғи ушланди                                                                                 | 6710  | 6410      |
| 8  | Йўқотилган моддий қийматликлар камомоди ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолинди.                                       | 6710  | 4730      |
| 9  | Олинмай қолган иш ҳақи депонентга ўтказилди                                                                       | 6710  | 6720      |
| 10 | Ҳисобдор шахсларнинг қарзи иш ҳақидан ушлаб қолинди                                                               | 6710  | 4220-4290 |
| 11 | Суғурта ташкилоти ўз ходимлари билан тузган суғурта шартномалари бўйича тўловини иш ҳақи ҳисобидан ушлаб қолинди. | 6710  | 6280      |

Меҳнат таътиллари амалдаги қонунчилик асосида белгиланади

Асосий таътил 15 кундан кам бўлмаслиги лозим.

Қўшимча таътил 48 кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблашда тариф бўйича оклад, ишбай, қўшимча ҳақ, мукофотлар, қўшимча тўловлар ва устамалар ва ижтимоий суғурта бўйича тўланадиган бошқа тўловларнинг 12 дан бир улуши кирази.

Таътил пули –ўртача ойлик иш ҳақини 25.4 га бўлиб, таътил кунларига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Иш ҳақиға нисбатан мажбурий ажратмалар қуйидагиларга ҳисобланмайди:

1. Фойдаланилмаган таътил учун компенсация.
2. Ишдан бўшаётганда ишдан бўшатиш нафақаси
3. Моддий ёрдам
4. Компенсация тўловлари
5. Айрим ходимларга текинга берилган квартира , йўл ҳақи, ёқилғи, коммунал хизматлар ва х.к.

6. Махсус кийим бош; мухофоза воситалари, озиқ овқатлар қиймати
7. Текинга берилган озиқ овқат қиймати
8. Тушлик учун дотациялар, санатория, курорт, дам олиш уйлари йўлланмаларининг қиймати.
9. Бошқа жойдаги ишга ўтказиш, кўчириш уй жой ижараси билан боғлиқ харажатлар
10. Доимий иши йўлда ўтадиган ходимларга қўшимча тўловлар
11. Тегишли бюджет хайрия фондларига ўтказиладиган иш хақи
12. Юбилей саналар, туғилган кунлар ва бошқа муносабат билан тақдирлашлар.
13. Мусобақалар, кўриклар, танловларда тақдим этилган мукофотлар
14. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун юборилган ходимларга стипендиялар
15. Ёш мутахассисларга олий ва ўрта махсуси ўқув юртларини тугатгандан сўнг бериладиган нафақалар
16. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва пенсиялар.

**Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари 2013 йил учун қуйидагича белгиланган.**

*4-жадвал*

| Жами даромад миқдори                                                       | Солиқ суммаси                                                                                           |
|----------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдоригача                                 | Даромад суммасининг 8 фоизи.                                                                            |
| Энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдоридан (+1сум) 10 баробари миқдоригача. | Энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдоридан олинадиган солиқ + 5 баробаридан ошадиган сумманинг 16 фоизи. |
| Энг кам иш ҳақининг 10 баробари(+1сум ) ва ундан юқори миқдоридан          | Энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдоридан олинадиган солиқ +10 баробаридан ошадиган сумманинг 22 фоизи |

Изох : Ҳисобланган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида нодавлат нафақа жамғармасига ажратма ҳисобланган даромад солиғидан чегирилган ҳолда жамғарилади.

Суғурта агентларига воситачилик иш ҳақи ҳисоблаш суғурта ташкилоти ва суғурта агенти ўртасида тузилган агентлик келишувида белгиланади.

Суғурталовчи ва суғурта агентлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб китоблар тартиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

-суғурта мукофотларини суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш тартиби ва муддатлари;

-суғурта агентига воситачилик иш ҳақи тўлаш тартиби ва муддатлари.

Суғурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда суғурта агенти ушбу шартнома бўйича олинган воситачилик иш ҳақини суғурта шартномасини қолган муддатига мос миқдори қисмини қайтаради ёки суғурталовчи суғурта агенти қайтариши лозим бўлган миқдордаги воситачилик иш ҳақини суғурта агентидан кейинги тўланадиган воситачилик иш ҳақи суммасидан ушлаб қолади ва бу бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномада кўрсатилади.

Суғурта шартномаисни тузиш ва суғурта мукофотлари тушуми суғурталовчи (суғурта агенти) нинг ҳисоб рақамига хорижий валютада амалга оширилган бўлса, суғурталовчи ва суғурта агенти ўртасидаги ўзаро ҳисоб китоблар хорижий валютада муомола амалга оширилган кундаги Ўзбекистон республикаси Марказий банкнинг сўмдаги курси бўйича амалга оширилади.

Суғурт агенти суғурталовчига ваколатли банкнинг кирим кассасига нақд пул топширишганлиги тўғрисидаги тўлов қоғозининг нусхасини топширади.

Суғурталовчи суғурта агентидан ҳужжатларни қабул қилиб олаётганда суғурта агенти томонидан тузилган суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотларини тўғри ҳисобланганлиги ва тўғри тўланганлигини текширади.

Ҳар ойнинг охирида суғурталовчи суғурта агенти билан бирга суғурта агенти томонидан бажарилган ишлар далолатномасини тузади ва шу асосда унга воситачилик иш ҳақи ҳисобланади ва тўланади.

Суғурта агентига воситачилик иш ҳақини тўлаш суғурта агентининг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш ёки (жисмони шахс-суғурта агенти учун) суғурталовчининг кассасидан нақд пул тўлаш йўли билан бажарилган ишлар далолатномаси тузилгандан сўнг 5 (беш) календар куни ичида амалган оширилади.

Суғурта мукофоти юридик шахс-суғурта агентининг ёки яқка тадбиркорнинг банкдаги ҳисоб рақамига келиб тушганда, агарда бу ҳақда агентлик келишувида кўзда тутилган бўлса суғурта агенти суғурта мукофотини унга ҳисобланган воситачилик иш ҳақи суммасини чегирган ҳолда суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш ҳуқуқига эга.

Суғурта агентларига ҳисобланган воситачилик иш ҳақининг синтетик ҳисоби 2010 “Суғурта ишининг юритиш харажатлари” счеида ҳисобга олинади.

Аналитик ҳисоб регистри бўлиб “Суғурта воситачиларига ҳисобланган воситачилик иш ҳақини ҳисобга олиш дафтари” ҳисобланади.

Ушбу дафтар ҳар бир суғурта агенти бўйича юритилиб, агент томонидан йиғилган суғурта мукофотлари суғурта турлари бўйича кўрсатилади ва суғурталовчи томонидан тасдиқланган, агентлик келишувида белгиланган ҳар бир суғурттра тури бўйича фоизларда ҳисобланади.

Штатдаги ходимларни иш ҳақларини аналитик ҳисоби ҳар бир ходим бўйича шахсий ҳисоб варақларида юритилади ва ойма ой ёзув амалга оширилади.

Ходимларга ва суғурта воситачиларга иш ҳақларини тўлаш кассир томонидан ҳар бир олувчига чиқим касса ордери тузмасдан ёки ҳар бир олувчига чиқим касса ордери билан тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномалари бўйича амалга оширилиши мумкин. Тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномасининг титул (бош) варағида корхона раҳбари, бош бухгалтери ва

ваколатли шахслар имзоси билан пул беришга рухсат берувчи ёзув киритилади.

Худди шу тартибда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича бир марталик тўловлар (таътилга чиқиш, касаллик ва х.к.), шунингдек, депонентланган суммалар ва хизмат сафарлар билан боғлиқ, бир нечта шахсга бериладиган харажатлар ҳисобот остида расмийлаштирилиши мумкин.

Қайта суғурталаш муомолалари бўйича воситачилик иш ҳақи ҳисобланса Қайта суғурталовчи (цедент) томонидан қуйидагича ҳисобга олинади.

4051 "Қайта суғурта қилишга оид коммиссион рағбатлантиришлар, танъемалар ва йиғимлар бўйича олинadиган счётлар" счётининг дебити 9080 "Қайта суғурта қилишга оид коммиссион рағбатлантиришлар, танъемалар ва йиғимлар бўйича даромадлар" счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

Агар қайта суғурта қилиш шартномасида қайта суғурта қилиш бўйича коммиссион ва брокерлик рағбатлантиришлар, танъемалар ва йиғимларнинг ушлаб қолиниши назарда тутилган бўлса, ушлаб қолинган коммиссион рағбатлантиришлар суммасига

Дебет 6080

Кредит 4051

Ҳисобот даври охирида

Дебет 9080

Кредит 9910

Ушбу муомолалар Қайта сугурталовчи (цессионер) томонидан қуйидагича амалга оширилади:

6080 "Қайта суғурта қилишга оид коммиссион рағбатлантириш, танъемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган счётлар" счётида қайта суғурта қилдирувчига тўланадиган қайта суғурта қилиш бўйича коммиссион рағбатлантиришлар, танъемалар ва йиғимлар акс эттирилади.

Коммиссион рағбатлантириш ҳисобланганда

Дебет 2410

Кредит 6080

Қайта суғурта қилишга оид комиссиян рағбатлантиришлар, танъемалар ва йиғимлар тўланса

Дебет 6080

Кредит 5110

Одатда, қайта суғурта қилиш бўйича комиссиян ва брокерлик рағбатлантиришлар, танъемалар ва йиғимлар қайта суғурта қилиш шартномасида акс эттирилади ва қайта суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофотларини қайта суғурта қилишга ўтказишда ушлаб қолиниши мумкин. Агар қайта суғурта қилиш шартномасида қайта суғурта қилиш бўйича комиссиян рағбатлантиришлар суммаси қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаб қолиниши назарда тутилган бўлса ушбу суммага қуйидаги ўтказма берилади:

Дебет 6080 Кредит 4051

Давр харажатлари таркибига бевосита суғурта хизматлари билан боғлиқ бўлмаган, яъни бошқарув тавсифидаги харажатлари киради. Давр харажатларини синтетик хисоби 9400 “Давр харажатларини хисобга олувчи счетлар” хисобида юритилади. Аналитик хисоб эса қуйидаги моддалар бўйича юритилади

1. 9410 “Сотиш харажатлари” (маркетинг ва реклама харажатлари);

2. 9420 “Маъмурий харажатлар” хисоби

-бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш;

-бошқарув ходимлари учун ижтимоий суғурта ажратмалари;

-хизмат автотранспорти харажатлари;

-халқаро ва шаҳарлараро телефон хизмати учун тўловлар;

-уяли ва пейджинг алоқа учун тўловлар;

-маълумот узатиш тармоқлари радиочастота спектридан, жумладан,

Интернетдан фойдаланиш харажатлари;

-маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун бино ва иншоотлар ижара тўловлари;

-маъмурий тавсифадги асосий воситаларни таъминлаш ва амортизация харажатлари;

-бошқарув ходимларининг хизмат сафарлари учун харажатлар;

-вакиллик харажатлари;

3.9430 “Бошқа операцион харажатлар” ҳисоби

-маслаҳат ва ахборот хизматлари учун тўловлар;

-кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари;

-аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш;

-банк ва депозитарий хизматларига ҳақ тўлаш;

-мажбурий бюджет тўловлари,

-солиқлар ва давлат мақсадли фондларига ажратмалар;

-ҳукумат қарори бўйича халқаро ташкилотларга аъзолик бадаллари;

-жарима ва пеня тўловлари;

-суд харажатлари;

-даъво муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари ва бошқа ундириб олишнинг имкони бўлмаган қарзлардан кечиб юбориш харажатлари;

-ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги муомолалар бўйича зарарлар;

-асосий воситалар ва хўжалик субъектининг бошқа мулки (активлари)ни балансдан чиқариш туфайли зарарлар;

-солиқ ва бошқа қонунчиликни бузганлик учун жарима ва пеня тўловлари;

-экологик, соғломлаштириш ва бошқа хайрия фондларига, маданият, халқ таълими,

-соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассаса ва ташкилотларига бадаллар;

-қонунчиликка мувофиқ икки ёшга тўлгунга қадар болага қараганлик учун тўланадиган тўловлар;

-молиявий ҳисоботларни чоп этиш харажатлари;

-молиявий фаолият бўйича харажатлар (хорижий валюта манфий курс фарқи ва улар билан муомолалардаги зарарлар;

-ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш харажатлари;

-қимматли қоғозлар бўйича бошқа харажатлар.

Шунингдек, суғурта ташкилотларида Давр харажатлари таркиби:

9431 “Тўғридан тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, ўтган даврда хабар қилинган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари”;

9432 “Тўғридан тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, лекин ҳисобот даврида хабар қилинган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари”

9440 “Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган, ҳисобот даври харажатлари” счетларини ҳам ўз ичига олади.

### **2.3.Касса, моддий бойликлар, суғурта заҳиралари ва молиявий натижаларнинг ҳисоби**

Касса муомолалари Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 1998 йил 24 январдаги 376-сонли «Юридик шахслар томонидан касса муомолаларини юритиш Қоидалари» Йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади.

Касса муомолаларини корхонанинг алоҳида бир ходими – кассир бажаради, штатлар рўйхатига кўра кассир лавозими кўзда тутилмаган ҳолларда эса касса муомолаларини бажариш бўйича мажбуриятлар худди шу тартибда ташкилотнинг бошқа ходимларига юклатилади. Касса ҳужжатларини имзолаш ҳуқуқига эга бўлган бухгалтерлар ва бошқа ходимлар кассир вазифасини бажара олмайди. Кассирни ишга тайинлаш ҳақида буйруқ чиқарилгандан сўнг бош бухгалтер тилхат остида уни касса муомолаларини юритиш Тартиби билан таништириши лозим, шундан кейин кассир билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома имзоланади.

Моддий жавобгарлик ҳақидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ, кассир у қабул қилган барча моддий қимматликлар ҳамда корхонага унинг ўз

вазифаларига эътиборсизик ва ғаразли ҳаракатлар билан ёндашиши натижасида атайин етказилган зарар учун тўлиқ моддий жавобгар ҳисобланади.

Касса муомолалари қуйидаги тартибда ўтказилади: кирим ва чиқим бўйича бирламчи ҳужжатларни расмийлаштириш; бирламчи ҳужжатларни рўйхатга олиш дафтарида рўйхатга олиш; касса китобига ёзиш (икки нусхада кофирка остида); касса китобида кундалик қолдиқни келтириш; бухгалтерияга (бухгалтерга) касса китобида тилхат остида кирим ва чиқим ҳужжатлари билан кассир ҳисоботини (касса китобининг 2-нусхасини) топшириш.

Кассага нақд пул қабул қилиш кирим касса ордерлари бўйича, нақд пул бериш эса – чиқим касса ордерлари ёки тегишли равишда расмийлаштирилган тўлов қайднома(ведомость)лари бўйича амалга оширилади. Нақд пулни банкка топшириш нақд пул билан киритиш эълонлари бўйича бўлиб ўтади. Барча нақд пул кирим ва чиқимлари касса китобида ҳисобга олинади. Бўлинма ва дирекция банк белгилаб қўйган доирада кассада нақд пулни сақлаш ҳуқуқига эга. Банк белгилаб қўйган доирадан катта миқдордаги нақд пуллар фақат иш ҳақини тарқатиш вақтида, шунда ҳам уч кундан ортиқ бўлмаган муддатда сақланиши мумкин.

Кирим касса ордерлари ва уларга квитанциялар, чиқим касса ордерлари ва уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар сиёҳли ёки шарикли ручкада аниқ ва равшан тўлдирилган ёки ёзув машинкаси ёки компьютерда ёзиб чиқарилган бўлиши лозим. Бу ҳужжатларда изоҳланган бўлсада, ҳеч қандай тузатиш ёки ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди. Касса ордерлари бўйича пул қабул қилиш ва бериш фақат улар тузилган кунда амалга оширилиши мумкин.

Кирим ордерларини бош бухгалтер, чиқим ордерларини эса – раҳбар ва бош бухгалтер ёки улар бўлмаган пайтда уларнинг ўрнини босувчи, имзо ҳуқуқига эга бўлган шахслар имзолайди. Имзо ҳуқуқи нотариус томонидан ёки юқори ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Чиқим касса ордерларига илова қилинадиган ҳужжатлар, аризаларда

рахбарнинг рухсат берувчи имзоси мавжуд бўлган ҳолларда чиқим касса ордерларида раҳбар имзоси бўлиши шарт эмас.

Меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурта бўйича тўловлар ва стипендиялар тўлаш кассир томонидан ҳар бир олувчига чиқим касса ордери тузмасдан ёки ҳар бир олувчига чиқим касса ордери билан тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномалари бўйича амалга оширилиши мумкин. Тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномасининг титул (бош) варағида корхона раҳбари, бош бухгалтери ва ваколатли шахслар имзоси билан пул беришга рухсат берувчи ёзув киритилади.

Худди шу тартибда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича бир марталик тўловлар (таътилга чиқиш, касаллик ва б.), шунингдек, депонентланган суммалар ва хизмат сафарлар билан боғлиқ, бир нечта шахсга бериладиган харажатлар ҳисобот остида расмийлаштирилиши мумкин. Кириш ва чиқим касса ордерлари бухгалтерия томонидан кириш ва чиқим касса ҳужжатларини рўйхатга олиш китобида рўйхатга олинади. Тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) ведомостларида меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа унга тенглаштирилган тўловлар учун расмийлаштирилган чиқим касса ордерлари улар берилгандан сўнг рўйхатга киритилади.

Касса китоби рақамланган, ип билан тикилган ва компания муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим. Касса китобидаги ёзувлар икки нусхада кофирка қоғоз орқали сиёҳли ёки шарикли ручкада юритилади. Варақларнинг иккинчи нусхаси йиртиб олинади ва кассирнинг ҳисоботи бўлиб хизмат қилади. Биринчи нусха касса китобида қолади. Варақларнинг биринчи ва иккинчи нусхалари бир хил рақам билан белгиланади.

Касса китобида тузатишлар ва ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди. Киритилган ўзгартиришлар кассир, шунингдек, бош бухгалтер ёки унинг ўрнида бўлган шахснинг имзоси билан тасдиқланади. Касса китобига ёзувлар кассир томонидан ҳар бир ордер ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат бўйича пул қабул қилиш ёки бериш билан дарҳол киритилади. Ҳар иш куни охирида кассир кун бўйича муомолалар якунини ҳисоблайди, кейинги санага

кассадаги пул қолдиқларини чиқаради ва бухгалтерияга кассир ҳисоботи сифатида кирим ва чиқим касса ҳужжатлари билан иккинчи йиртма варақни (касса китобидаги кун учун ёзувлар нусхасини) топширади. Касса китобининг тўғри юритилиши устидан назорат Бош бухгалтернинг зиммасига юклатилади. Кассада нақд пул етишмаган ҳолларда чиқим касса ордерида олувчининг тилхати билан тасдиқланмаган кассадан пул беришлар бу ҳолатни оқлай олмайди, шунга кўра бу сумма кассирдан ундириб олинади. Кирим касса ордерларида тасдиқланмаган нақд пуллар кассада ортиқча пул ҳисобланади ва даромадга киритиб юборилади.

Раҳбар томонидан белгиланган муддатда, шунингдек, кассирлар алмашганда нақд пулни варақма-варақ ҳисоблаш ва кассадаги бошқа қимматликларни тўлиқ текшириш асосида кутилмаган тафтиш ўтказилади. Кассадаги нақд пул қолдиғи касса китоби бўйича ҳисоб маълумотлари билан солиштирилади. Касса тафтишини амалга ошириш учун корхона раҳбарининг буйруғи билан комиссия тайинланади ва у далолатнома тузади. Тафтиш давомида кассада ортиқча пул ёки етишмовчиликлар аниқланган ҳолларда далолатномада уларнинг суммаси ва келиб чиқиш ҳолатлари кўрсатилади.

Кассир хизмат кўрсатаётган банкдан ариза бўйича белгиланган тартибда банкнинг ҳисоб-китоб чеклари билан чек дафтарчаси олади. Кассир олинган, сарфланган ва қайтариб берилган бланклар ҳисобини юритади. Кассир банк ҳисоб-китоб чекларининг корешоклари билан фойдаланилган чек дафтарчасини бош бухгалтерга топширади. Бош бухгалтер фойдаланилган чек дафтарчасини қабул қилиб, банк чекларидан фойдаланишнинг тўғрилигини текширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги 60-сонли (№1/4) Қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Қоидаларга мувофиқ амалга оширилади

Ҳисоб-китоб ҳужжатларида қуйидаги реквизитлар кўрсатилиши лозим (нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ва шакли хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда): ҳисоб-китоб ҳужжатининг номи ва ОКУД ОК 011-93 бўйича шакл коди; тўлов ҳужжатининг рақами, у ёзиб берилган кун, ой ва йил; тўловчининг номи, унинг ҳисобрақами, солиқ тўловчининг шахсий тартиб рақами (СТИР); тўловчи банкининг номи ва жойлашган манзили, банк коди, маблағларни олувчининг номи, унинг ҳисобрақами, солиқ тўловчининг шахсий тартиб рақами (СТИР); олувчи банкининг номи ва жойлашган манзили, банк коди; тўлов деталлари. Тўлов деталлари кўрсатиш хусусиятлари: шартнома тўлов счёти рақами, шартнома тузилган сана, шартнома предмети; тўлов ёки олдиндан тўлаш фоизи; тўлов суммаси рақамлар ва ҳарфлар шаклида; тўланиши лозим бўлган солиқлар, ҚҚС суммаси ҳисоб-китоб ҳужжатида «жумладан, ҚҚС» алоҳида сатрида ажратиб кўрсатилади, акс ҳолда солиқ «ҚҚСсиз» тўланмаслиги кўрсатилиш лозим.

Ваколатли шахснинг (шахсларнинг) имзоси (имзолари) ва муҳр.

Тўлов топшириқномалари; аккредитивлар; инкасса топшириқлари; тўлов талабномаларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблардан фойдаланишга рухсат берилади.

Суғурта ташкилоти ҳар куни ёки банк томонидан белгиланган бошқа муддатларда банкдан маблағлар киритиш ёки чиқаришга асос бўлган ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинган ҳолда ўз ҳисобрақамларидан кўчирма олади. Банкдан олинган кўчирма текширилади ва қайта ишланади; барча оқлайдиган ҳужжатлар танланади, корреспонденцияловчи счётлар қўйилади.

Валюта муомолалари ҳисоби «Хорижий валютада ифодаланган мажбуриятлар ва активлар ҳисоби» 22-сонли БХМА (Бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари) ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2004 йилнинг 17 сентябрида 1411-сон билан рўйхатга олинган бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларда хорижий валютада ифодаланган

операцияларни акс эттириш тартиби тўғрисидаги Қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Суғурта ташкилоти томонидан қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутувчи битимлар хорижий валютасидаги операциялар ҳисобланади:

- мол-мулкни(асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралар ва бошқа активларни) чет эл валютасига сотиш ёки сотиб олиши;
- чет эл валютасига суғурта хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш.

Хорижий валютадаги операциялар бухгалтерия ҳисобида улар амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича сўм эквивалентида, жумладан, қуйидагилар бўйича акс эттирилади:

- кассадаги валюта маблағлари,
- банкдаги депозит ва ссуда счетлари, аккредитивлар,
- валютадаги ссуда қарзлари;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, хорижий валютадаги заем ва кредитлар;
- божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадаги тузилган шартномалар бўйича импорт қилинган товар-моддий бойликлар ва бошқа активларни кирим қилиш; божхона божларини хорижий валютада амалга ошириш;
- хорижий валютада ифодаланган пул ҳужжатлари;
- хорижий валютадаги қимматли қоғозлар.

Ҳар ойда баланснинг валюта моддаларини ҳисобот ойининг охириг кунига ва Марказий банк курси бўйича ҳужалик операцияларини содир этиш санасига қайта баҳолаш амалга оширилади.

Қайта баҳолаш ва курс фаркини белгилаш мақсадида баланснинг валюта моддаларига қуйидагилар киритилади:

- а) кассадаги, банкнинг депозит ва ссуда счётларидаги валюта маблағлари, шу жумладан аккредитивлар;

б) чет эл валютасидаги пул хужжатлари;

в) чет эл валютасида ифодаланган киска муддатли ва узок муддатли инвестициялар;

г) чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик карзлари, кредит ва эаёмлар

«Бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларда хорижий валютада ифодаланган операцияларни акс эттириш тартиби тўғрисидаги Қоидалар»нинг (суғуртачилар учун янги таҳрир) 35-бандига мувофиқ низом капиталининг валюта қисмига тенг бўлган валюта маблағларини ҳар ойлик қайта баҳолаш натижасида шаклланган мусбат курс фарқи захира капитали таркибига «Девальвацияга захира» сметиға ўтказилади. Низом капиталининг валюта қисмига тенг бўлган валюта маблағларини ҳар ойлик қайта баҳолаш натижасида шаклланган манфий курс фарқи бундан олдинги мусбат курс фарқ доирасида захира капиталини «Девальвацияга захира» сметида камайитишга мансуб бўлади.

Манфий курс фарқининг мусбат курс фарқидан катта бўлиши молиявий фаолият бўйича харажатларга киради. Шаклланган курслар ўртасидаги фарқ молиявий натижаларга бевосита киритиш йўли билан ҳисобдан чиқарилади.

Суғуртачи шунингдек, курс фарқларини ҳисобдан чиқариш учун жамғариш усулини қўллашга ҳақли.

Ҳисоб берувчи шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 1998 йил 24 январдаги 376-сонли «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш Қоидалари» Йўриқномаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида 2000 йил 7 февралда 16-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 июнь 932-сон билан рўйхатга олинган Вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига хизмат сафарларида сафар харажатларига маблағлар бериш Тартиби, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 24 июлдаги 83-сонли, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий

химоялаш вазирлигининг 7/12-сонли қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

«Ҳисоб берувчи шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби» 4220-4230-сметларида корхона ходимлари билан уларга ҳисобот остида хизмат сафарларига берилган суммалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳақидаги ахборот умумлаштирилади. Аналитик ҳисоб ҳар битта Ҳисоб берувчи шахс бўйича юритилади, ҳисоб-китобларни акс эттирувчи сметлар бўйича сумма қолдиқлари балансда ёйиқ ҳолда келтирилади.

Валютадаги хизмат сафари харажатлари ҳисобот остидаги шахснинг бўнақ ҳисоботи вақтидаги курс бўйича ҳисобга олинади.

Хизмат сафарига кетадиган ҳар бир шахсга буйруқ расмийлаштирилади ва унда хизмат сафаридан мақсад, муайян вазифалар ва уларни бажариш муддати кўрсатилади.

Хизмат сафаридан қайтгандан сўнг 3 кун ичида ходим бухгалтерияга бўнақ ҳисоботини тақдим этиши лозим бўлиб, унга белгиланган тартибда расмийлаштирилган сафар гувоҳномаси ва хизмат сафаридаги харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Асосий воситалар деб бир неча ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб ўз қийматини махсулот таннархига қисмларга бўлиб ўтказадиган буюмларга айтилади.

Асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

- а) хизмат муддати 1 (бир) йилдан ортиқ бўлган
- б) бир бирлик (туплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасидаги (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини 50 (эллик) баробаридан ортиқ бўлган буюмлар.

Асосий воситалар бошлангич қиймат бўйича ҳисобга олинади.

Ҳақ эвазига сотиб олинган асосий воситалар объектининг бошланғич қиймати қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

а) активларни етказиб берувчиларга ҳамда шартнома бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажарганлик учун пудратчиларга тўланадиган суммалар;

б) асосий воситалар объектига доир ҳуқуқни сотиб олиш муносабати билан амалга оширилган руйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

в) божхона божлари ва йиғимлари;

г) асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо қилиш) муносабати билан солиқлар ва йиғимлар суммалари;

д) асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо қилиш) билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

е) асосий воситалар объектларини етказиб бериш хатарини суғурталаш бўйича харажатлар;

з) асосий воситаларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишга оид харажатлар;

Асосий воситалар синтетик ҳисоби қуйидаги ҳисобларда юритилади.

0110 "Ер";

0111 "Ерни ободонлаштириш";

0112 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш";

0120 "Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар";

0130 "Машина ва асбоб-ускуналар";

0140 "Мебель ва офис жиҳозлари";

0150 "Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси";

0160 "Транспорт воситалари";

0170 "Ишчи ҳайвонлар";

0180 "Кўп йиллик ўсимликлар";

0190 "Бошқа асосий воситалар";

0199 "Консервация қилинган асосий воситалар"

Эскириш ҳисоблаш учун асосий воситанинг дастлабки (ёки қайта баҳолаш) қиймати асос қилиб олинади ва тенг маромли(туғри чизиқли) ҳисоблаш усулида амортизация тенг маромда, асосий воситаларни фойдали ишлатиш муддати мобайнида уларнинг амортизацияланадиган қийматидан келиб чиққан ҳолда тенг улушларда ҳисобланади.

Ҳисобот йили давомида асосий воситалар объекти бўйича амортизация ажратмалари йиллик сумманинг  $1/12$  миқдорида ҳар ойда ҳисобланади.

Эскириш ҳисоблаш асосий воситанинг баланс қийматига нисбатан фоизларда ҳисобланади. Жумладан:

Бино ва иншоотлар - 5%

Мебел ва жихозлар- 15%

Транспорт воситалари, комппьютер техникалари урнатиладиган ускуналар - 20%

Бошқа асосий воситалар 10% ва х.к.

Қуйидаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди:

а) кутубхона фондларига;

б) қонунчиликда белгиланган тартибда консервацияга ўтказилган фондларга;

в) музей қийматликларига;

г) санъат ва архитектура ёдгорликларига;

д) тўлиқ эскириш ҳисобланган асосий воситаларга.

Қайта баҳолаш мақсадида асосий фондлар деганда қуйидагилар тушунилади:

-ўзининг асосий воситалари;

- ўрнатиладиган ускуналар;

- тугалланмаган қурилиш объектлари;

Асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш ҳар йили (жорий йилнинг 1 февралигача) 1 январь ҳолати бўйича қайта баҳолашни ўтказиш даврида нархлар даражасидан келиб чиқиб ўтказилади.

1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолаш

олдинги қайта баҳолаш натижасида олинган объектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан, йил давомида келиб тушган асосий фондлар бўйича эса-харид қилиш қийматидан амалга оширилади.

Асосий фондларнинг тўлиқ тикланиш қиймати қайта баҳолашни ўтказиш даврида 1 январга шаклланган, баҳоланаётганларига айнан ўхшаш бўлган янги объектларга хужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича алоҳида объектлар қийматини бевосита ҳисоблаш йўли билан ёки асосий фондлар турлари бўйича ва уларни харид қилиш даврларига боғлиқликда табақаланган асосий фондлар қийматини ўзгартириш индексларини қўллаган ҳолда дастлабки (тикланиш) қийматини индекслаш йўли билан аниқланади.

1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолаш натижалари молиявий ҳисоботда асосий воситаларни қайта баҳолаш амалга оширилган жорий давр учун акс эттирилади.

Индекслаш йўли билан асосий воситаларни қайта баҳолаш чоғида, бухгалтерия ҳисобида қайта баҳолашни ўтказиш санасидаги ҳолат бўйича қайд этилган асосий фондларнинг эскириш суммаси уларни тикланиш қийматига қайта баҳолаш чоғида асосий фондлар қийматини ўзгартиришнинг тегишли индексларига кўпайтирилиши керак. Асосий воситаларни бевосита қайта ҳисоблаш усули билан қайта баҳолаш чоғида бухгалтерия ҳисобида қайд этилган эскириш суммаси қайта баҳолашдан кейинги тикланиш қийматининг қайта баҳолашгача бўлган қийматга нисбати билан ҳисоблаб чиқариладиган қайта ҳисоблаш коэффициенти бўйича индексланиши керак.

Ҳисобот йилининг дастлабки санасидаги ҳолатга кўра ўтказилган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижалари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Қайта баҳолаш натижалари аввалги ҳисобот йилидаги молиявий ҳисобот маълумотларига киритилмайди ҳамда ҳисобот йили бошида молиявий ҳисобот маълумотларини шакллантиришда қабул қилинади. Бунда ўтган йил якуни ва ҳисобот йили бошидаги маълумотларнинг мос келмаслиги ҳисобот йилининг дастлабки санасидаги ҳолатга кўра ўтказилган

асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси сифатида тушунтирилади ҳамда жорий даврдаги молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида баён этилади.

Асосий фондларни қайта баҳолашни ҳисобга олувчи счетларнинг боғланиши:

Дебет О110-0190, О710-0720, О810,

кредит 8510- қайта баҳолаш натижаси бўйича асосий воситаларни қийматини оширилиши.

Дебет 8510

кредит О211-0299 - қайта баҳолаш натижаси бўйича асосий воситаларни эскириш қийматини оширилиши.

Дебет 8510

кредит О110-0190, О710-0720, О810 -қайта баҳолаш натижаси бўйича асосий воситаларни қийматини камайиши.

Дебет О211-0299

кредит 8510- қайта баҳолаш натижаси бўйича асосий воситаларни эскириш қийматини камайиши.

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш бўйича счетларни боғланиши:

Дебет 9210

кредит О110-0190 тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, камомад ёки бузилиш натижасида асосий воситаларни бошланғич қийматини ҳисобдан чиқариш.

Дебет О211-0299

кредит 9210 тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, камомад ёки бузилиш натижасида уларга ҳақиқатда ҳисобланган эскиришни ҳисобдан чиқариш.

Дебет 8510

кредит 9210 асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида захира капиталидаги ушбу объектни қайта баҳолаш натижалари (сальдо) суммасига камайиши.

Дебет 9430

кредит 9210 асосий воситаларни чиқиб кетишидан кўрилган зарар.

Дебет 9210

кредит 9310 асосий воситаларни чиқиб кетишидан олинган фойда.

Товар-моддий бойликлар хўжалик юритувчи субъектларнинг активи ҳисобланади ва қуйидагилардан иборатдир:

- Хом ашё, харид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар,

- ёқилғи,

-идишлар,

-эҳтиёт қисмлар,

-инвентарь ва хўжалик анжомлари (арзон бухоли ва тез эскирувчан буюмлар),

-ишлаб чиқариш жараёнида ёки ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда фойдаланиш учун мўлжалланган бошқа материаллар захиралари.

Кам баҳоли тез тўзувчан буюмлар таркибига қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган мол-мулк киритилади:

А) хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган;

Б) қиймати бир бирлик (комплект) учун хизмат муддатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида белгиланган (харид қилиш пайтида) энг кам иш ҳақининг эллик баробаригача миқдорда бўлган буюмлар.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъий назар инвентарь ва хўжалик жиҳозлари таркибига киритилади:

А) ёзув-чизув анжомлари ( калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва хоказо);

Б) ошхона инвентарлари, шунингдек сочиқ-дастурхонлар;

В) кўрпа-тушаклар;

Инвентарь ва хўжалик жиҳозларини фойдаланишга беришда уларнинг 100% қийматини давр харажатларига киритиб юборилади ва ҳисоби

балансдан ташқари (О14) счетда юритилади.

Канцелярия моллари ва ёкилгини хисобдан чиқаришда ФИФО усули кулланади. ФИФО усули бўйича биринчи навбатда харид қилинган товар-моддий бойликлар қиймати хисобдан чиқарилади.

Товар моддий қийматликлар ҳисоби 1010-1090 ҳисобларда юритилади.

Ушбу ҳисоб корхона активи ҳисобланиб қуйидаги ҳисоблар билан боғланади.

Мол етказиб берувчи ва пудратчилардан материаллар олинганда

Дебет 1010-1090

Кредит 6010

Материаллар сарфланганда

Дебет 2010, 9420

Кредит 1010-1090 Материалларни аналитик ҳисоби бухгалтерия ва омбор хўжалигида ҳар бир материаллар тури ва гуруҳи бўйича юритилади.

Номоддий активлар-бу корхонанинг активлари бўлиб моддий кўринишга эга бўлмаган активларидир. Буларга суғурта ташкилотларида асосан программалаштириш маҳсулотлари мисол бўла олади. Номоддий активлар учун эскириш йиллик 20 фоиз миқдорида ҳисобланади.

Мулкчилик ҳуқуқи суғурталовчига тегишли номоддий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

0410 "Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау";

0420 "Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари";

0430 "Дастурий таъминот";

0440 "Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари";

0450 "Ташкилий ҳаражатлар";

0460 "Франчайз";

0470 "Муаллифлик ҳуқуқлари";

0480 "Гудвилл";

0490 "Бошқа номоддий активлар".

Ушбу ҳисоб корхона активларини ҳисобга олади ва қуйидаги ҳисоблар билан боғланади.

Харид қилинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати (ҳақиқий таннархи) бўйича кирим қилинганда

Дебет 0410-0490

Кредит 0830

Устав капиталига улуш сифатида ёки акцияга обуна бўлишга ҳақ тўлаш ҳисобига олинган номоддий активларнинг кирим қилинганда

Дебет 0410-0490

Кредит 4610

Гудвилл (фирма баҳоси) суммасини ҳар ой фойдали хизмат муддати давомида ҳисобдан чиқарилиши

Дебет 2010

Кредит 0480

Номоддий активларнинг бошланғич қиймати бўйича сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, харид қилинган қимматли қоғозлар ҳақининг тўлови учун берилиши, бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида, шунингдек, текинга берилганда ва бошқалар натижасида чиқиб кетиши

Дебет 9220

Кредит 0410-0490

Амортизация тенг маромли (туғри чизикли) ҳисоблаш усулида, номоддий активларни фойдали хизмат муддати мобайнида уларнинг амортизацияланган қийматидан келиб чиққан ҳолда тенг улушларда ҳисобланади.

Суғурта захираси маблағларини шакллантириш ва ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2008 йил 15 декабрда 1882-сон билан рўйхатга олинган Суғурта захираларини суғурталовчилар томонидан шакллантириш ва жойлаштириш тартиби ва шароитлари тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Суғурта захиралари ҳар бир суғурта тури бўйича ва суғурталаш амалга ошириладиган валютада шаклланади.

Юқорида кўрсатилган Қоидаларга мувофиқ Суғурталовчи балансда мажбурият сифатида ҳисобга олинадиган қуйидаги техник захираларни шакллантиради:

- ишлаб топилмаган мукофот захираси (умумий суғурталаш бўйича фаолиятни амалга оширишда) (РНП);

- зарарлар захираси, суғурта ҳолатининг рўй бериши ва суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган товон тўлови билан изоҳланадиган зарар ҳажмига мувофиқ аниқланади ва билдирилган, лекин тартибга солинмайдиган қуйидаги зарарлар захирасидан иборат бўлади :

1. Хабар қилинган лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси (РЗУ);

2. Суғурта ходисаси рўй берганлиги ҳақида маълум қилинган, лекин зарар миқдори тақдим этилмаган шартномалар бўйича суғурта захиралари (РПНУ).

Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича баркарорлаштириш захираси (ФЖМС БЗ).

«Суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта назорати Давлат инспекцияси билан келишган ҳолда “олдини олиш чора-тадбирлари” қўшимча захирасини шакллантиради мумкин (РПМ);

Суғурта фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа захира турлари. суғурталовчи суғурта захиралари ҳажмини бухгалтерия ҳисоботини тузишда ҳисобот санасига (ҳисобот даврининг охирига) бўлган ҳолат бўйича суғурта фаолиятини ўтказишдан молиявий натижаларни аниқлашда ҳисоб-китоб қилади.

Суғурта захираларини ҳисоб-китоб қилиш суғурталовчининг ҳисобот ва ҳисоб маълумотлари асосида амалга оширилади. Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ва транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича

баркарорлаштириш захирасидан ташкари, техник захираларни ҳисоб-китоб қилиш базаси сифатида базавий суғурта мукофоти – ҳисобот даврида суғурта (кайта суғурта қилиш) шартномаларини тузиш бўйича воситачилик хизматларини курсатганлик учун ҳисобланган комисион мукофоти ва оғохлантириш чора-тадбирлари захирасини шакллантиришга йуналтирилган маблағлар суммаси ченирилган, ҳисобланган суғурта брутто-мукофоти қабул қилинади.

Ҳисобот даврига ҳар бир шартнома бўйича суғурта захираларини ҳисоб-китоб қилиш учун зарур бўлган маълумотлардан иборат ҳужжатлар шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ ижро этилгандан сўнг камида 3 йил сақланиши лозим. Хусусан, қуйидаги маълумотларни уз ичига олувчи ҳужжатларнинг сақланиши лозим: шартнома рақами (полис, гувоҳнома, квитанция); шартнома кучга кирган сана (суғурта амал қила бошлаган сана); шартноманинг амал қилиш муддати; суғурта суммаси ҳажми; ҳисобланган суғурта мукофоти (бадали) миқдори; суғурта мукофоти (бадали) ҳисобланган сана; суғурта мукофотининг (бадалларининг) миқдори ва туланган санаси; шартнома тузганлик учун ҳисобланган мукофот миқдори; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда суғурта мукофоти (бадали)дан ажратмалар миқдори; шартномани муддатидан олдин тугатиш санаси; шартнома шартлари ўзгартирилган сана; шартномани муддатидан олдин тугатиш (шартларни ўзгартириш) туфайли суғурталовчига қайтариб берилган суғурта мукофоти (бадали) ҳажми; суғурта мукофоти (бадали)ни қайтариб бериш санаси; суғурта ҳолати (ҳолатлари) рўй бергани ҳақида ариза келиб тушган сана (саналар); билдирилган зарар (зарарлар) ҳажми, шунингдек, уни тартибга солиш жараёнида билдирилган зарар ҳажмининг ўзгариши ҳақида ахборот; суғурта товони (товонлари) тўланган санаси; суғурта товони (товонлари) ҳажми; суғурта товони (товонлари) тўлаш рад этилган сана.

Кўрсатилган маълумотлар электрон маълумотлар тўплами учун ҳам, тузилган Суғурта шартномалари ҳисобга олиш журнали учун ҳам, Муддатидан олдин тугатилган суғурта шартномалари ва зарарларни ҳисобга

олиш журнали учун ҳам, Қайта суғурталашга қабул қилинган шартномаларни ҳисобга олиш журнали учун ҳам, қайта суғурталашга қабул қилинган шартномалар бўйича зарарларни ҳисобга олиш учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Суғурта захиралари ҳисоб-китоби кўрсатилган регистрлардаги ахборот асосида амалга оширилади.

Ишлаб топилмаган мукофот захираси (РНП) бу – ҳисоб давридан четга чиқадиган, кейинги ҳисобот давларида вужудга келиши мумкин бўлган тўловларни таъминлаш бўйича маажбуриятларни ижро этиш учун мўлжалланган суғурта шартномаси бўйича ҳисобланган суғурта мукофоти қисми. РНП маблағларидан муддатдан олдин тугатилган суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотларини қайтариб бериш амалга оширилади.

Ишлаб топилмаган мукофот захираси (РНП) ҳажми бўйича ҳисобот даврининг охириг санасига аниқланадиган бухгалтерия ёзувлари:

Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ҳисобланди

РНПнинг ошган суммасига

Дебет 9230 Кредит 8010, 8011

РНПнинг камайиш суммасига

Дебет 8010, 8011 Кредит 9230, 9231

РНПда қайта суғурталовчилар улушининг ошган суммасига

Дебет 8110 Кредит 9230

РНПда қайта суғурталовчилар улушининг камайиш суммасига

Дебет 9230 Кредит 8110

РНП ўзгариш натижаси (дебет сальдосида проводка суммаси " - " ишорали)

Дебет 9230, 9231 Кредит 9030

Билдирилган, лекин тартибга солинмаган зарарлар захираси ҳисобот санасида ҳисобот даври якунида) суғурталовчининг суғурта тўловларни амалга ошириш бўйича тўлиқ ёки умуман бажарилмаган мажбуриятларини, жумладан, суғурта ҳолатининг рўй бериши натижсида суғурталовчининг

мулкый манфаатларига етказилган зарар ҳажмини аниқлаш ва камайтириш билан боғлиқ эксперт, маслаҳат ёки бошқа хизматларга ҳақ тўлаш учун зарур бўлган маблағлар суммасини баҳолаш ҳисобланади.

РЗУ ҳажми ҳар битта тартибга солинмаган даъво бўйича аниқланади. Зарар билдирилган, лекин унинг ҳажми аниқланмаган ҳолларда ҳисоб-китоб учун суғурта суммасидан катта бўлмаган максимал зарар миқдори қабул қилинади.

Суғурта ташкилотларида билдирилган, лекин тартибга солинмаган зарарлар захираси ҳажми тўлов комиссиясини қарорига асосан аниқланади.

РЗУ ҳажми, ҳисобот даврида билдирилган, билдирилган зарарларни ҳисобга олиш журналида рўйхатга олинган, ҳисоботдан олдинги даврда тартибга солинмаган зарарлар суммасига оширилган, ҳисобот даври давомида тўланган зарарлар суммасига камайтирилган сумма плус ҳисобот даврида тартибга солинмаган даъволар суммасининг уч фоизигача булган ҳажмда тартибга солинмаган зарарлар бўйича харажатларга мос келади.

РЗУ ҳажми бўйича бухгалтерия ёзувлари:

Хабар килинган, бартараф килинмаган зарарлар захирасини ҳисобланди

РЗУ суммасини шаклланиши

Дебет 9250 Кредит 8030, 8031

РЗУ нинг камайтиш суммасига

Дебет 8030, 8031 Кредит 9250

РЗУ да қайта суғурталовчилар улушининг ошган суммасига

Дебет 8120 Кредит 9250

РЗУда қайта суғурталовчилар улушининг камайтиш суммасига

Дебет 9250 Кредит 8120

РЗУ ўзгариш натижаси (дебет сальдосида проводка суммаси " - " ишорали)

Дебет 9030 Кредит 9250

Суғурта ходисаси рўй берганлиги ҳақида маълум қилинган, лекин зарар миқдори тақдим этилмаган суғурта захираси (РПНУ) суғурталовчининг

суғурта туловларини амалга ошириш бўйича мажбуриятлари, жумладан, ҳисоб даврида ёки ундан олдинги даврда рўй берган, улар ҳақида ҳисобот даври ёки ундан олдинги даврда қонунчиликда белгиланган ёки шартнома тартибида билдирилмаган суғурта ҳолатлари билан боғлиқ вужудга келган зарарларни тартибга солиш бўйича харажатларни баҳолаш ҳисобланади. Содир булган, лекин хабар килинмаган зарарлар захираси ҳар бир суғурта тури бўйича алоҳида, суғурталовчининг ушбу суғурта тури бўйича суғурта туловларини амалга ошириш юзасидан йигилган статистикани инобатга олган ҳолда ҳисобланади. Умумий ҳолда, РПНУ ҳар бир суғурта тури бўйича ҳисобланган РПНУларни қушиш йули билан аниқланади. Бироқ ушбу сумма умумий суғуртада (қайта суғурта қилишда) ҳар қандай ҳолда ҳисобот даврига қадар ўн икки ой мобайнида умумий суғурта (қайта суғурта қилиш)шартномалари бўйича базавий суғурта мукофоти суммасининг 10 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Рўй берган, лекин билдирилмаган зарарлар захираси бўйича бухгалтерия ёзувлари:

Содир булган лекин, хабар килинмаган зарарлар захирасини ҳисобланди:

РПНУнинг ошган суммаси

Дебет 9240      Кредит 8020, 8021

РПНУ нинг камайиш суммасига

Дебет 8020, 8021      Кредит 9240

РПНУ да қайта суғурталовчилар улушининг ошган суммасига

Дебет 8130      Кредит 9240

РПНУда қайта суғурталовчилар улушининг камайиш суммасига

Дебет 9240      Кредит 8130

РПНУ ўзгариш натижаси (дебет сальдосида проводка суммаси " - " ишорали)

Дебет 9030      Кредит 9240

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захираси (ФЖМС БЗ) кейинги йилларда суғуртанинг мазкур тури бўйича суғурта туловларини

амалга ошириш харажатларини коплаш учун мулжалланган. Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш буйича баркарорлаштириш захирасининг хисоб-китоби куйидаги курсаткичлардан келиб чиккан холда амалга оширилади:

транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш буйича хисобот даврида хисобланган сугурта брутто-мукофоти;

транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш буйича хисобот даврида амалга оширилган сугурта туловлари;

транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килишни хисобот даврида амалга ошириш харажатлари (шу жумладан, сугурта ходисалари содир булишининг олдини олиш ва оғохлантириш буйича оғохлантириш чора-тадбирлари захирасига ажратмалар);

сугурталовчиларнинг транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш буйича Тўловларни кафолатлаш жамгармасига тулайдиган мажбурий бадаллари; Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килишни амалга оширишдан хосил булган молиявий натижа хисобот давридаги сугуртанинг мазкур тури буйича даромадлар микдори ва хособот давридаги сугуртанинг мазкур тури буйича харажатлар микдори уртасидаги фарк сифатида аникланади.

Олдини олиш чора-тадбирлари захираси (РПМ) бахтсиз ҳолатлар, суғурталанган мулкнинг йўқотилиши ёки унга зарар етказилишининг олдини олиш, шунингдек, олдини олиш чора-тадбирлари захираси ҳақидаги Низомда кўзда тутилган мақсадлар учун мўлжалланган.

Олдини олиш чора-тадбирлари захираси ҳақидаги қоидалар суғурталовчи томонидан тасдиқланади.

РПМ ҳисобот даврида суғурта шартномалри бўйича келиб тушган ялпи

суғурта мукофотидан ажратмалар ажратиш йўли билан шакллантирилади.

Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича оғохлантириш чора-тадбирлари захирасига (ФЖМС РПМ) ажратмалар миқдори, ҳисобот даврида транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта брутто-мукофотининг 5 фоизи миқдорида белгиланади.

РПМ ажратмалар ҳажми бу мақсадларга тариф ставкаси таркибида кўзда тутилган фоиздан келиб чиқиб белгиланади. РПМ ҳажми ҳар ҳисобот санаси бўйича ҳисоб-китоб қилинади. РПМ ҳажми ҳисобот даврида ушбу захирага ажратилган сумманинг ҳисобот даври бошида РПМ ҳажмига оширилган ва ҳисобот даврида олдини олиш чора-тадбирларига сарфланган харажатларга камайтирилган миқдорига мос келади.

Олдини олиш чора-тадбирлари бўйича (РПМ) бухгалтерия ёзувлари:

Ҳисобот даври якунида РПМ га ажратма қилинганда

Дебет 2010

Кредит 8040,8041

РПМ маблағларидан фойдаланилганда

Дебет 8040

Кредит 6011

8040, 8041 субсчётлар бўйича кредит сальдоси ҳисобот даврида олдини олиш чора-тадбирлари захираси қолдиғини акс эттиради.

Суғурта ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобот даври даромадлари ва харажатларини таққослаш йўли билан аниқланади ва ўзига хос хусусиятларга эга.

Даромадлар уч гуруҳдаги тушумлардан ташкил топади: суғурта операциялари бўйича даромадлар (суғурталовчининг соф тушуми), суғурта фаолияти бўйича бошқа даромадлар (суғурта захираси маблағларини инвестициялаш, суброгация, қайта суғурталаш бўйича мукофотлар бўйича

фоизлар), бошқа фаолиятдан олинган даромадлар (активларни сотиш, мулкни ижрага бериш ва ҳ.к.).

Суғурталовчининг соф тушуми (суғурта хизматларини сотишдан) куйидаги тарзда аниқланади:

- бевосита суғурталаш ва биргаликда суғурталаш (биргаликда суғурталаш шартномасида белгиланган суғурталовчини улуши қисмида) бўйича мукофотлар умумий суммаси қайта суғурталашга берилган шартномалар бўйича суғурта мукофот(бадал)ларини чиқариб ташлаган ҳолда;

- плюс қайта суғурталашга қабул қилинган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари;

- плюс/минус ишлаб топилмаган мукофот захирасининг (РНП) ўзгариш натижаси, РНПда қайта суғурталовчилар улушига тузатиш киритилган;

- плюс/минус билдирилган, лекин тартибга солинмаган мукофот захирасининг (РЗУ) ўзгариш натижаси, РЗУда қайта суғурталовчилар улушига тузатиш киритилган;

- плюс/минус рўй берган, лекин билдирилмаган мукофот захирасининг (матнда кейин – РНПУ) ўзгариш натижаси, РНПУда қайта суғурталовчилар улушига тузатиш киритилган;

- плюс/минус мос келувчи захираларда қайта суғурталовчиларнинг улушига тузатиш киритилган бошқа техник захираларнинг ўзгариш натижаси;

- плюс суғурта агенти, брокер, воситачи хизматлари кўрсатиш учун коммиссион ва бошқа мукофот тўловлари;

- плюс қайта суғурталашга берилган шартномалар бўйича ҳисобланган коммиссион мукофотлар;

- плюс сюрвейер ва аджастер ёки аджастер ташкилоти хизматлари кўрсатиш учун мукофотлар;

- плюс бевосита суғурта хизматлари кўрсатишдан олинган бошқа даромадлар.

Республика йул жамгармасига, бюджетдан ташкари пенсия жамгармасига ва мактаб таълими жамгармасига мажбурий ажратмаларнинг солик солиш объекти ва солик солинадиган базаси Солик Кодексининг 150 - моддасига муофик аникланади.

Инвестицион фаолиятдан олинадиган даромадлар қаторига қуйидагилар қиради: суғурта захиралари ва бошқа маблағларни бошқа хўжалик субъектлари фаолиятида улуш билан қатнашишда жойлаштириш натижасида олинган даромадлар, хўжалик субъектига тегишли бўлган акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар; инвестицион фаолиятни амалга оширишдан бошқа даромадлар; суғурта захиралари маблағларини инвестициялашдан даромадлар.

Молиявий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар: асосий воситалар, номоддий активлар, материаллар ва бошқа активларни сотишдан олинган даромад; мулкни ижарага беришдан олинган даромад; олдинги даврларда зарарлар қаторига чиқариб юборилган дебиторлик қарзларини сўндириш учун келиб тушган суммалар; лизинг шартномаси бўйича олинган фоизлар суммаси; кредиторлик қарзларидан кечиб юборилиши; регресс даъволар бўйича суғурта тўловини қайтариб бериш ҳисобланган ҳисобрақамига келиб тушган суммалар; валюта счетлари бўйича мусбат курс фарқи; қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турларидан олинган даромад.

Даромад фақат операциялар билан боғлиқ иқтисодий фойда олиш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳолларда тан олинади. Даромад таркибига киритилган суммани олиш бўйича ноаниқлик вужудга келган ҳолларда олинмайдиган ёки эндиликда олиб бўлмайдиган сумма бошланғич тан олинган даромадга тузатиш киритиш сифатида эмас, балки харажатлар сифатида тан олиниши лозим.

Фавқулодда даромад (зарар) одатдаги фаолиятдан фарқ қиладиган ва камдан-кам рўй берадиган ҳолатлар ёки битимлар натижасида рўй берадиган даромад ёки харажатларни ифодалайди.

Суғурта таъкилотларининг асосий фаолиятдан олган даромадлари 9030 Суғурта хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар ҳисобида юритилади.

Суғурта хизматлари таннари 9130 ҳисобида умумлаштирилади.

### **3-БОБ. СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБЫНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.**

#### **3.1 Молиявий ҳисоботлар таркиби ва унинг тузилиши**

Суғурта ташкилотлари томонидан бухгалтерия ҳисоботини тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 2009 йил 19 мартдаги 37 сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2009 йил 20 мартда 1945-сон билан рўйхатга олинган Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларида белгиланган шаклда ва тартибда амалга оширилади.

Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 15 июнда 47-сон билан тасдиқланган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги низом (2000 йил 3 июлдаги , рўйхат рақами 942 - ) билан белгиланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг активлари айланма(жорий) активлар ва узоқ муддатли (ножорий) активларга бўлинади.

Айланма (жорий) активлар хўжалик юритувчи субъектнинг операцион фаолиятининг бир қисми бўлиб, ҳисобот вақтидан кейинги 12 ой мобайнида фойдаланиладиган активлардир. Жорий активларнинг икки тури мавжуд. Биринчи тури хўжалик юритувчи субъект айланма маблағининг бир қисми бўлиб, хўжалик юритувчи субъектнинг меъёрий операцион цикли давомида олинган ёки истеъмол қилинган. Иккинчи тури операцион активлари бўлмаган, лекин инвестиция мақсадларида сақлаб турилган жорий активлар доирасидан иборатдир.

Узоқ муддатли (ножорий) активлар – булар ҳисобот кунидан бошлаб 12 ой давомида сотилиши мумкин бўлмаган активлардир, яъни узоқ муддат асосида фойдаланиладиган активлар, жумладан субъектнинг мулки, бинолари ва ускуналари, номоддий активлари, тараққиёт харажатларидан иборатдир. Жорий мажбуриятларни тавсифи жорий активлар тавсифига

ўхшашдир.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот суғурта ташкилотларининг ҳисобот давридаги молиявий фаолиятини кўрсатади ва бу фаолиятнинг турли жиҳатларини тушунишга имкон берадиган усулдан иборат бўлади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги мажбурий унсурлар бўлиши лозим:

- Реализациядан тушган маблағ;
- Операция фаолиятининг натижалари;
- Молиявий фаолият натижалари;
- Фавқулодда фойдалар ва зарарлар;
- Шу даврдаги соф фойда ёки зарар.


Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот бу асосий воситаларнинг ҳаракати, асосий воситалар эскиришини (амортизациясини) ҳисоблаб ёзиш тўғрисидаги қўшимча ахборот ҳисобланади. Бу ҳисоботда ижарага берилган ва ижарага олинган асосий воситалар тўғрисидаги ахборот ҳам тақдим қилинади.

Нақд пул оқими тўғрисидаги ахборот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга суғурта ташкилотларининг пул маблағини ва пул эквивалентларини ўз эҳтиёжларига йўллаш қобилиятини баҳолаш имкониятини тақдим этишда фойдалидир.

Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисоботда ўз сармоясининг ҳаракати, захираларни шакллантириш, тўлаш учун ҳисобланган дивидендлар тўғрисидаги ахборот тақдим этилади.

Ҳисобот даври якунида баланс счетлари бўйича қуйидаги якуний бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Ҳудудий бўлинмалар ҳисобот даври тугагач дирекцияларга якуний боғланишлар (проводкалар) орқали шу давр ичида тушган суғурта мукофотлари, бошқа даромадлар, давр харажатлари, асосий ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа харажатларни 4110 счет орқали юқори ташкилотга беради.



## 5. Молиявий ҳисоботни тузиш мақсади ва унинг элементлари.

Юқори ташкилот томонидан қуйидаги якуний бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Сугурта захиралари счетини ёпилиши:

|          |          |   |                              |
|----------|----------|---|------------------------------|
| Д-т 9030 | К-т 9230 | – | РНП дебет томонидаги колдик  |
| Д-т 9030 | К-т 9240 | – | РПНУ дебет томонидаги колдик |
| Д-т 9030 | К-т 9250 | – | РЗУ дебет томонидаги колдик  |

Д-т 9230      К-т 9030 – РНП кредит томонидаги колдик  
 Д-т 9240      К-т 9030 – РПНУ кредит томонидаги колдик  
 Д-т 9250      К-т 9030 – РЗУ кредит томонидаги колдик  
 Д-т 8520      К-т 9910 – суғурта фондлари ҳисобидан тўлдириш  
 Д-т 2010      К-т 8040 - олдини олиш чора-тадбирларига ажратмалар  
 Д-т 2010      К-т 2210-2220 - сугурта товонини иш юритиш харажатларига

ўтказилиши

Д-т 9130      К-т 2010 – иш юритиш харажатлари таннархи  
 Д-т 9910              К-т 9130 – иш юритиш харажатлари таннархини

ёпилиши

Д-т 9030      К-т 8090 – ҳаёт ва қўшимча нафақа суғуртаси бўйича  
 мукофотлар              захираси              қўпайиши              (сугурта  
 мукофотлари).

Д-т 8090      К-т 9030 – ҳаёт ва қўшимча нафақа суғуртаси бўйича  
 мукофотлар захираси камайиши (сугурта копламаси).

Д-т 9030      К-т 9910 – асосий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи  
 счетларни ёпилиши

Д-т 9910      К-т 9410-9430 – ҳисобот даври учун давр харажатлари

Д-т 9310-9390      К-т 9910 – асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари

Д-т 9810,9820      К-т 6410 – фойдадан солиқ ва йиғимлар ҳисобланди

Д-т 9910      К-т 9810,9820 солиқ ва йиғимлар тўлаш учун фойдани  
 ишлатилиши

Д-т 9910      К-т 8710 –              ҳисобот йилининг соф фойдаси

### **3.2. Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби**

Суғурталовчи баланснинг моддалари, активлар ва мажбуриятларнинг  
 изчил ўтказилган инвентаризацияси билан асосланган бўлиши шарт.

Инвентаризация Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан  
 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия  
 ҳисобининг миллий стандартида (19-сонли БХМС) "Инвентаризацияни

ташкил этиш ва ўтказиш" (1999 йил 2 ноябрь, рўйхат рақами 833) белгиланган тартибда ўтказилади. Бунда йиллик молиявий ҳисобот тақдим этилгунга қадар, доимий ишлаб турувчи инвентаризация комиссиялари томонидан инвентаризация давомида қийматликларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва бухгалтерия маълумотлари орасидаги аниқланган тафовутлар бартараф этилган бўлиши шарт. Шунингдек, солиштирма далолатномалар ёки ўзаро ҳисоб-китоблар сальдосини тасдиқловчи хатлар билан расмийлаштирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг инвентаризацияси ўтказилиши шарт. Ўтказилган инвентаризациялар сони ва натижалари, шунингдек уларнинг ўтказилмаслик сабаблари йиллик молиявий ҳисоботга илова қилинадиган тушунтириш хатида акс эттирилиши шарт.

Суғурталовчи томонидан асосан қуйидаги ҳолларда инвентаризация ўтказилиши кўзда туилган:

- мол-мулк ижарага берилганда, сотилганда ва сотиб олинганда;
- йиллик ҳисобот тузишдан олдин кейинги йилнинг 1 январ ҳолатига;
- товар моддий бойликлари учун жавобгар шахс ўзгарганда;
- ўғирлик ёки бошқа суистеъмол ҳоллари аниқланганда;
- қайта ташкил бўлганда ёки корхона тугатилаётганда;
- ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меърий ҳужжатларида белгиланган тартибда.

Инвентаризацияни ўтказиш учун хўжалик юритувчи субъектлар таркибида:

хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки унинг ўринбосари (комиссия раиси);

бош бухгалтер;

бошқа мутахассислар (муҳандислар, иқтисодчилар, техниклар ва ҳоказолар) бўлган доимий ишлайдиган инвентаризация комиссиялари тузилади.

Инвентаризация комиссияси таркибига хўжалик юритувчи субъектнинг ички аудит вакиллари киритилиши мумкин.

Асосий воситалар, хом ашё, материаллар, тайёр маҳсулот, товарлар, пул маблағлари ва бошқа бойликларни инвентаризация уларнинг ҳар бир жойлашган ери ва ана шу бойликларни сақлаётган жавобгар шахс бўйича ўтказилади.

Ҳақиқатдаги қолдиқларни текшириш моддий жавобгар шахсларнинг (кассирлар, хўжалик, савдо корхонаси, омборхона, тайёрлов пункти ва ҳоказолар мудирлари) албатта иштирок этиши билан амалга оширилади.

Инвентаризация пайтида бойликларнинг мавжудлиги албатта санаш, тарозида тортиш, ўлчаш йўли билан аниқланади.

Товар-моддий бойликлар инвентаризация рўйхатига ҳар бир ном бўйича киритилади, бунда номенклатура рақами, тури, гуруҳи, артикули, нави ва миқдори кўрсатилади.

Касса инвентарланганда пул маблағлари ва кассада бўлган бошқа бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлиги текширилади.

Нақд пул маблағларини инвентаризация далолатномасида бойликлар қолдиғи инвентаризация кунида натурада ва ҳисоб маълумотлари бўйича кўрсатилади ва инвентаризация натижаси белгиланади.

Қатъий ҳисобдаги бланкларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш бланк турлари бўйича у ёки бу бланкларнинг бошланғич ва охириги рақамларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Мазкур текшириш натижалари махсус рўйхат билан расмийлаштирилади.

Банкда ҳисоб-китоб ва жорий счётлар, аккредитивлар, махсус, алоҳида ва бошқа счётларда бўлган пул маблағларини инвентаризация хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясининг маълумотлари бўйича тегишли счётларда қайд этилган суммалар қолдиғини банк кўчирмасидаги маълумотлар билан солиштириш орқали амалга оширилади.

Ишчи ва хизматчиларга қарзлар бўйича ўз вақтида талаб қилиб олинмаган, депонентлар счётига ўтказилиши керак бўлган иш ҳақи

суммалари, шунингдек, ишчи ва хизматчиларга ортиқча тўлашлар суммалари ва бунинг пайдо бўлиш сабаблари аниқланиши керак.

Ҳисобот бериладиган суммалар инвентарланганда мақсадли фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда ҳисобдор шахсларнинг берилган бўнақлар бўйича ҳисоботлари, шунингдек ҳар бир ҳисобдор шахс бўйича берилган бўнақлар суммалари, уларни бериш саналари ва мақсадли фойдаланилиши текширилади.

Солиштириш қайдномалари инвентаризация пайтида ҳисоб маълумотларида тафовутлар аниқланган бойликлар бўйича тузилади

Инвентаризация ва бошқа текширишлар пайтида аниқланган бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлиги бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фарқлари қуйидагича тартибга солинади:

- ортиқча чиққан асосий воситалар, моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк кирим қилиниши ва тегишлича хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига ёки бюджет ташкилотини молиялашни (фондларни) кўпайтиришга қайд этилиши, кейинчалик ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар аниқланиши керак;

- белгиланган меъёрлар доирасида бойликларнинг йўқолиши хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг фармойишига кўра ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига ёки бюджет ташкилотини молиялашни (фондларни) камайитиришга ҳисобдан ўчирилади. Йўқолиш меъёрлари ҳақиқатда камомад аниқланган тақдирдагина қўлланиши мумкин.

Суғурта ташкилотларида йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

- а) "Бухгалтерия баланси" - 1-сонли шакл - суғурта;
- б) "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" - 2-сонли шакл - суғурта;
- в) "Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот" - 3-сонли шакл - суғурта;
- г) "Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот" - 4-сонли шакл - суғурта;
- д) "Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот" - 5-сонли шакл - суғурта;

е) "Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома" - 2а-сонли шакл - суғурта.

Чораклик молиявий ҳисобот қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

а) "Бухгалтерия баланси" - 1-сонли шакл - суғурта;

б) "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" - 2-сонли шакл - суғурта;

в) "Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома" - 2а-сонли шакл - суғурта.

Кичик корхона ёки микрофирма мақомига эга суғурталовчилар фақатгина

-бухгалтерия баланси - 1-сонли шакл - суғурта,

-молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - 2-сонли шакл - суғурта,

-дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома - 2а-сонли шакл - суғурталардан иборат йиллик молиявий ҳисобот тақдим этадилар.

Йиллик молиявий ҳисоботга ҳисобот йилида суғурталовчининг якуний натижаларига таъсир кўрсатган асосий омиллар баён этилган тушунтириш хати илова қилинади.

Агар йил боши ҳолатига баланс ўзгартирилган бўлса, тушунтириш хатида ўзгартириш сабаблари тушунтирилади. Унда, шунингдек, кейинги йилга қабул қилинган ҳисоб сиёсати келтирилади.

Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади, хўжалик юритувчи субъектнинг мулкӣ ва молиявий аҳволи ҳақидаги ахборотни тўплайди ҳамда ошкор қилади.

Бухгалтерия балансини тузишдан олдин ҳисобот даври охирига Бош китобнинг аналитик счётлари бўйича оборот ва қолдиқлари синтетик счётларнинг оборот ва қолдиқлари билан албатта солиштирилган бўлиши шарт.

Худудий бўлинмалар баланслари йиғилгач жами компания бўйича жамлама баланс тузилади ва керакли иловалар билан юқори ташкилотга тақдим қилинади.

Суғурталовчининг бухгалтерия баланси унинг ресурсларини молиявий таркибини англаб етишга имконият бериш учун ҳисобот вақтидаги молиявий аҳволни акс эттириши керак.

Баланснинг пассив қисмида 2 бўлим Суғурта захиралари жами захирадар йиғиндисини акс эттириб, ҳисобот даврига "Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси" "Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси" "Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси" "Огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси" "Активларнинг номувофиқлиги захираси" "Фалокатлар захираси" "Зарарлиликнинг тебраниши захираси" суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади.

Қайта суғурталовчиларнинг суғурта захираларидаги улуши ҳам юқоридаги суғурта захиралари бўйича алоҳида кўрсатилади.,

"Суғурта операциялари бўйича мажбуриятлар моддасида "Огоҳлантириш чора-тадбирларини амалга оширувчи пудратчиларга қарзлар "Суғурта қилдирувчиларга қарзлар" "Суғурта агентлари ва брокерларига қарзлар" "Қайта суғурта қилдирувчиларга қарзлар" "Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга бўлган қарздорлик суммаси кўрсатилади.

Суғурталовчининг алоҳида балансга чиқарилмаган барча алоҳида бўлинмалари кўрсаткичлари молиявий ҳисобот шакллари кўрсаткичлари маълумотларига киритилиши шарт.

Суғурта ташкилотларининг фойда ва заралар тўғрисидаги ҳисоботини тузиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 20 апрелда 1945-сон билан рўйхатга олинган Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалари асосида амалга оширилади.

“Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” (2-шакл –суғурта) нинг 010 сатрида "Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар 9030-счёт "Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар"да ҳисобга олинадиган суғурталовчининг суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлари кўрсатилади.

Бунда суғурта захиралари ўзгаришининг ижобий натижаси "Харажатлар" устуни бўйича, салбий натижаси эса, "Даромадлар" устуни бўйича кўрсатилади.

Ушбу даромадлар тўғридан-тўғри суғурта қилиш ва биргаликда суғурта қилиш бўйича (биргаликда суғурта қилиш шартномасида суғурталовчининг ўрнатилган улуши қисмида) суғурта мукофотлари, қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари, қайта суғурта қилишга қабул қилинган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари ва суғурта хизматларини кўрсатишдан бошқа даромадлар суммаларидан ташкил топади.

Суғурта хизматлари кўрсатишдан соф тушум Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар (010 сатр), Воситачилик хизматини кўрсатишдан даромадлар" (сатр 020) Қайта суғурта бўйича зарарлар улушининг қопланиши бўйича даромадлар" (сатр 030), Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушининг қопланиши бўйича даромадлар, Қайта суғурта бўйича комисион мукофотлар, танъемалар ва йиғимлар бўйича даромадлар" (сатр 040) Аджастер ва сюрвейер хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар" (сатр 050) йиғиндисидан ташкил топади.

Кўрсатилган суғурта хизматларининг таннархи (сатр 070) бўйича сотилган товарлар ва хизматлар таннархини ҳисобга олувчи счётларда (9100) ҳисобга олинган, кўрсатилган суғурта хизматларининг таннархи суммаси кўрсатилади.

Суғурта хизматларини кўрсатишдан ялпи фойда (зарар)" (сатр 080) суғурта хизматларини кўрсатишдан соф тушум ва кўрсатилган суғурта хизматларининг таннархи ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. (сатр 060 - 070).

Суғурта ташкилотларининг Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр 150) суғурта хизматларини кўрсатишдан ялпи фойда (зарар)дан (сатр 080) давр харажатлари (сатр 090) суммасини чегириш ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (сатр 140) суммасини қўшиш орқали аниқланади.

Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)" (сатр 270) асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр 150) суммасига молиявий фаолиятнинг даромадлари (сатр 160) суммасини қўшиш ва молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр 220) суммасини чегириш орқали аниқланади.

Фавқулоддаги фойда ва зарарлар" моддаси (сатр 280) бўйича фавқулоддаги ҳодисалар натижалари кўрсатилади, "Даромадлар (фойда)" устуни 9710-счёт "Фавқулоддаги фойдалар" маълумотлари асосида, "Харажатлар (зарарлар)" устуни эса, 9720-счёт "Фавқулоддаги зарарлар" маълумотлари асосида тўлдирилади.

